



ЭЗОП
МАСАЛЛАРИ

I. ЭЗОП МАСАЛЛАРИ АСОСИЙ ТЎПЛАМИДА БЎЛГАН ҲАМДА ҚАЙТА НАШР ҚИЛИНГАН ЭЗОП МАСАЛЛАРИ АСОСИЙ ТЎПЛАМИДАН ОЛИНГАН МАСАЛЛАР

1. БУРГУТ БИЛАН ТУЛКИ

Бургут билан Тулки дўст тутинишди ва қўшни бўлиб яшашга аҳц қилишди. Бургут азим туп дарахтнинг қир учига уя қурди. Тулки эса, шу дарахт тагида, буталар орасида болалади. Орадан бир қанча вақт ўтиб, кунларнинг бирида Тулки овга чиқди. Шунда ўз полапонларини нима билан бокишни билмай, очикиб ўгирган Бургут пастга учиб тушиб, буталар орасида ётган тулківаччаларии чангалига илиб уясига олиб чиқци-да, уларни ўз полапонлари билан баҳам кўрди. Мана, Тулки инига қайтиб келди, келдию бир қарашда не ҳол юз берганини фаҳмлади. У жуда қаттиқ қайғурди - нафақат болаларининг нобуд бўлганидан, балки қотиддан қасос ололмаслигидан ич-этини еб изтироб чекди, зеро ердаги ҳайвон осмондаги қушни тута олмаслишни у яхши билар эди. Нотавон ва ночор ҳайвон нима ҳам қила оларди? Ғанимини фақат узокқан туриб қарғашгагина кучи етарди унинг. Бироқорадан кўп ҳам вақт ўтмай Бургут дўстлик аҳдига хиёнат қилгани учун жазосини олди. Бир одам далада эчки сўйиб, худолар йўлига қурбонлик қилди; Бургут буни кўриб, учиб келди-да, қурбонгоҳца лакка чўғ бўлиб ёнаётган калла-почштрни ўғирлаб уясига олиб чиқиб кетди. Худди шу пайт бирдан қаттиқ шамол туриб, нозик шох-шаббалардан қурилган уя бояги калла- почалар орасидаги чўғлардан "пов" этиб аланга олди. Ҳали учишни ўрганмаган темирқанот, жиш полапонлар кабоб бўлиб ерга тушишди; шунда Тулки югуриб келиб Бургутнинг кўзи олдида унинг полапонларини ямламай ютиб юборди.

Масалдан ҳисса шуки, дўстликка хиёнат қилган одам дили огриган дўстининг қасосидан қутулиб қолган такцирда ҳам худолар қаҳридан қочиб қутула олмай.

2. БУРГУТ, ЗОҒЧА ВА ЧЎПОН

Бир Бургут бўшанд қоя бошидан учиб тушиб, яйловда ўтлаб юрган кўзичоқни чангалига илиб учиб кетди. Буни кўрган Зоғча Бургутга ҳасад қилди ва у ҳам шундай иш тутмоқчи бўлди. Мана, у ҳаммаёқни бошига кўтарганча қағиллаб, бир кўчкорга ташланди. Бироқ унинг тирноқдари Кўчқорнинг қалин юнгига илашиб, нукул қанот қоқиб қағил- лайверди-ю, аммо учиб кетолмади. Бу ҳолни кўрган Чўпон масала нимада эканлигини тушунди: югуриб келиб Зоғчани ушлаб олди-да, қанотларини кесиб, кечқурун болаларига олиб бориб берди. Болалари: "Бу қанақа қуш?" деб

сўрашди. Чўпон бўлса: "Мен-ку бунинт Зоғча эканини биламан, лекин у ўзини Бургут деб ҳисоблаётибди-ёв", — деди.

Иктидорли одамлар билан тенглашмоқчи бўлганлар ҳеч нимага эриша олмайдилар, аксинча, уларнинг ношудлиги бошқаларнинг кулгисини келтиради.

3. БУРГУТ ВА ҚЎНҒИЗ

Бургут бир куённинг пайига тушди. Жон сақлаш учун кимдан ёрдам сўрашини билмаган куён йўлида рўпара келган ягона жонзотга - гўнг Қўнғизига ёлворди. Қўнғиз унга далда берди ва қаршисида пайдо бўлган йиртқич кушга, мендан паноҳ излаб келган жониворга тегма, дея илтижо қилди Бургут бу жинқарча ҳимоячининг гапига парво ҳам қилмай куенни т>тиб еди. Лекин Қўнғиз бу разилона таҳқирни унуг- мади: энди у кун-уззукун Бургутнинг уясини кидириб, ҳар сафар у тухум қўйган пайтда тухумларини думалатиб ерга тушириб синдираверди. Ниҳоят, ҳеч ердан паноҳтопа олмаган Бургут олий тангри Зевсга илтижо қилиб, тухум қўйиб бола очиши учун бежавотирроқ жой кўрсатишни сўради. Зевс Бургутнинг бола очиши учун ўз қўйинини очиб берди. Буни кўрган Қўнғиз бир парча гўнгни думалатиб соққа қилди-да Зевс олдига - арши аълога учиб чиқиб, ўшал соққани бузург тангрининг қўйнига ташлаб юборди. Зевс қўйнидаги гўнг парчасини қоқиб юбориш учун бирданига ўрнидан туриб кетди ва Бургутнинг тухумларини тушириб юборди. Турган гапки, барча тухумлар синган эди. Айтишларича, шу пайтдан бошлаб бургутлар қўнғизлар тухумдан чиққан чоғда уя қурмай- диган ва тухум очмайдиган бўлишганмиш.

Масалдан ҳисса шуки, кичкиналарни менсимаслик яхши эмас, зеро ўзини таҳқирлагандан ўч олмоқчи бўлган жониворни заиф деб бўлмайди. Ахир айтганлар-ку: "Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил", деб.

4. БУЛБУЛ ВА ҚАРЧИҒАЙ

Булбул дарахт шохига қўниб олиб, ўз одати бўйича хониш қиларди. Уни қорни оч бир Қарчиғай кўриб қолди ва "шув" этиб учиб келиб бечора қушчани чанғалига олди. Шунда куни битиб, ажали етган Булбул Қарчиғайга ёлвориб, деди: "Жон ака, мени еманг, ахир мен зиғирдаккинаман - тишин- гизнинг қавагида йўқ бўлиб кетаман. Агар қорнингиз очган бўлса, яхшиси, йирикрок қушларни тутиб енг". Лекин Қарчиғай унга эътироз билдириб деди: "Агар чанғалимдаги ўлжани ташлаб, қорасиям кўринмаган ўлжани кидирадиган бўлсам, ғирт аҳмоқ бўлган бўлардим".

Бу масал аҳмоқ одамларгина мавҳум каттакон ўлжа илинжида ўз қўлига туширган бойликдан воз кечади, демоқчи. Ахир айтганлар-ку: "Эртанги товукдан бугунги тухум яхши", деб.

5. ҚАРЗДОР

Афинада бир одам бошқа бир одамдан қарз олади. Мана, фурсат етиб, қарз берган одам, қарзни тўла, деб талаб қила бошлайди. Қарздор аввалига ҳозирча ёнида пули йўқлиги сабабли қарзни тўлаш учун яна бир оз муҳлат сўрайди. Лекин илтимоси ерда қолади. Шунда қарздор одам биттаю битта сигирини бозорга олиб чиқиб сотмоқчи бўлади ва қарз берган одамнинг кўзи олдида сигирини харидорларга мактай бош- лайди. Бир харидор келиб ундан: "Сигиринг кисир эмасми?" деб сўрайди. "Йўқ, - дейди қарздор, - ҳар йили киш тилласида танача туғиб беради, ҳайит кунларига борганда букача туғади". Харидор бу гапни эшитиб ҳайрон қолади. Шунда қарз берган одам қарздорнинг гапини илиб кетиб, дейди: "Нега ҳайрон бўляпсиз? Шошмай туринг, ҳали бу сигир айёми ажузга¹ бориб кўзичокҳам туғиб беради".

Ҳа, шундай одамлар борки, улар ўз фойдаларини кўзлаб, ҳар қандай ёлғон-яшиқ гапларни қасам ичиб тасдиқлашдан ҳам тоймайдилар.

6. ЁВВОЙИ ЭЧКИЛАР ВА ЧЎПОН

Бир чўпон эчкиларини ҳар куни яйловга ҳайдар ва кечкурун уларни яна кўрасига қайтариб келарди. Мана, у эчкиларини кўрага қайтаргани ўтлоққа борди. Қараса, бир гала ёввойи тоғ эчкилари унинг эчкилари билан ўтлаб юрганмиш. Чўпон уларни ҳам ўз эчкиларига қўшиб кўрага ҳайдаб киритибди. Эртаси куни ҳаво айниб, жала қуя бош- лабди, шу боис у жониворларни кўрадан чиқармай, шу ерда боқа бошлабди. Қизиги шундаки, у ўзининг эчкиларига номига бир сиқим-бир сиқимдан хашак солса, бегона эчкилар олдига, уларни қўлга ўргатиш ниятида, пичан ва емни уйиб ташлабди. Лекин эртаси куни ҳаво юришиб кетиб, у барча эчкиларни ўтлоққа ҳайдаб чиққанида, ёввойи эчкилар тоғ томон шаталоқ отиб чопиб кетибдилар. Бу ҳолни кўрган чўпон таъна қилиб, уларга дебди: "Эҳ ношукур махлуклар, ахир мен сизларни яхшилаб боқдим, парвариш қилдим-ку, нега мендан қочиб кетяпсизлар?" Шунда ёввойи эчкилар орқаларига ўгирилиб чўпонга дебдилар: "Биз сеникига кеча- гина келгандик, сен бизни ўзингнинг кадрдон эчкиларингдан афзач кўриб роса сийладинг. Бундан чиқай, агар сеникига яна янги эчкилар келгудек бўлса, бизни назардан қолдириб, уларни эъзозлар экансан-да? Мана шунинг учун ҳам ўзимизни сендан эҳтиёт қилмоқдамиз".

Масал дейдики, ўзига янги дўст орттирганида эски кадрдон дўстларини менсимай қўядиган одам билан дўст тутинмаслик керак, зеро ундай одам ҳар гал янги дўсг топганида эскиларидан юз ўгираверади.

¹ А й ё м и а ж у з — кишнинг охирги ҳафтаси.

7. МУШУК ВА ТОВУҚЛАР

Бир Мушук товуқхонадаги товуқларнинг касал экан- лигини эшитиб қолди. Удархол эгнига табиб либосини кийиб қўлига муолажа ашёларини олди-да, товуқхона эшиги олдига келди ва товуқлардан, ахволинглар қалай, деб сўради "Ахволимиз яхши! - деб жавоб қилишди товуқтар. - Лекин сен бу ердан қорангни ўчирсанг янаям яхши бўларди".

Ха, донишманд кишилар ўзини яхши хулқ соҳиби қилиб кўрсатувчи бадният шахсларни бир қарашдаёқтаниб оладилар.

8. ЭЗОП КЕМАСОЗЛИК КОРХОНАСИДА

Масалнавис Эзоп кунларнинг бирида сайр қилиб юриб кемасозлик корхонаси олдига бориб қолади. Кемасозлар унинг беўхшов вазоҳатини, тасқара башарасини кўриб мазах қилиб кула бошлайдилар. Шунда Эзоп уларга жавобан деиди: "Даставвал оламда фақат ғайримуташаккил - Хаос ва сув бўлган экан. Кейин тангри Зевс яна бир табиат янги- лиги - Ерни яратишни ихтиёр қилибди. Ерни яратибди-ю унга уч ҳўплашда дунёдаги барча сувни ичиб битиришни амр этибди. Ва Ер Зевснинг амрини бажаришга киришибди- бир марта ҳўплаган экан - тоғлар пайдо бўлибди; иккинчи марта ҳўплаганида - дала-даштлар намоён бўлибди; шуни билинларки, агар Ер учинчи марта ҳўпласа, бу касб-корин- гизнинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади".

Масалдан хулоса шуки, яхши одамлар устидан кулган емон одамлар бир кун келиб ўзларининг бутун эл олдида шарманда бўлганларини сезмай қоладилар.

9. ТУЛКИ БИЛАН ТАКА

Бир Тулки бехосдан қудуққа тушиб кетди ва у ердан чиқолмай, ноилож ҳап ўгираверди. Шу пайт қудуқ бошига чанқаган бир Така келди; у қудуқ ичида турган Тулкини кўриб, ундан, "Сув қалай экан, муздайми?" деб сўради. Айёр Тулки сувни оғиз кўпиртириб мақтай кетди ва уни ҳам қудуқ ичига таклиф қилди. Чанқоғини қондиришдан ўзга нарсани ўиламаган Така қудуққа сакраб тушди ва мириқиб сув ичди Ана шундан кейингина бу ердан қандай қугулиб чиқиш ҳақида

Тулки билан маслаҳатлаша бошлади. Тулки: "Мендаажойиб бир фикр пайдо бўлди, агар уни амалга оширсак, иккаламиз ҳам бу ердан эсон-омон қутулиб чиқиб кетамиз, — деди. — Бундай қиламиз: сен олдинги оёқларингни кўтариб деворга тирайсан ва шохларингни эгиб турасан. Мен сенинг елкангдан тирмашиб юқорига чиқаман; кейин сени ҳам тортиб оламан". Тулкининг бу таклифини ҳам Така ўйлаб-нетиб ўтирмай қабул қилди; Тулки Таканинг думғазасига, кейин елкасига чиқиб, орқа оёқларини унинг шохларига тиради-да, олд оёқлари билан қудуқ оғзига тирмашиб, бир ирғишда юқорига

чикиб олди ва орқасига қайрилиб ҳам қарамай, ўз йўлида кетаверди. Така лафзида турмаган Тулкини бўралаб сўка бошлади, Тулки эса орқасига ўгирилиб деди: "Вой овсар-е! Агар миянгда соқолингнинг тукичалик ақл бўлганида, кудукқа тушишдан олдин у ердан қандай чиқишни ўйлаган бўлардинг".

Шунингдек, ақли расо одам ҳам бир ишни бошлашдан олдин унинг оқибати қандай туташи ҳақида ўйлаб кўриши керак.

10. ТУЛКИ ВА ШЕР

Тулки ҳеч қачон Шерни кўрмаган эди. Бир куни у тасодифан унга рўпара келиб қолди ва кўриб шунақанги кўрқиб кетдики, юраги ўйнаб, сал бўлмаса ўлаёзди; у Шерни иккинчи марта кўрганида ҳам анча ваҳимага тушди-ю, биринчи галдагичалик қаттиқ кўркмади; мана, Тулки Шерни учинчи марта учратди ва энди ўзини дадил тутиб, у билан суҳбатлашишга ҳам журъат этди.

Масал демокчики, энг кўркинчли нарсагаҳам бора-бора кўникиш мумкин.

11. БАЛИҚЧИ

Бир балиқчи қамиш най чалишда бекиёс уста эди. Бир куни у шу найини ва балиқ тутадиган ёйма тўрини олиб денгиз бўйига борди-да, қоя устига чикиб олиб най чала бошлади — балиқлар найим навосига маст бўлиб сувдан сакраб-сакраб чиқишади, деб ўйлаган эди у. Лекин қанча тер тўкиб най чалмасин, балиқлардан дарак бўлмади. Шунда у найни бир нетга қўйиб, ёйма тўрини сувга ташлади ва бир зумда анча-мунча турфа тоифа балиқдарни сувдан тортиб чиқарди. Утўрдаги балиқларни қирғоққа ағдарган эди, улар жонҳолатда питирлашиб дик-дик сакрай бошладилар. Буни кўрган балиқчи деди: "Оббо ярамас махлуқлар-е, атайлаб сизлар учун най чалганимда ўйнамовдинглар, энди бўлса най чалмага- нимда рақс тушиб ётибсизлар".

Бу масал ҳаётда бутун қилмиши телба-тескари бўлган одамларга қаратилган.

12. ТУЛКИ БИЛАН ҚОПЛОН

Тулки билан Қоплон, қай биримиз гўзалроқмиз, деб тортиша бошлашди. Қоплон ўз терисининг нақадар бежирим эканлиги ҳақида роса мақганди; шунда Тулки унга жавобан деди: "Тўғри, менинг вужудим сеникичалик бежирим эмас, лекин ақлу зако- ватим беназирдирки, шу боис юз чандон гўзалроқман сендан!"

Бу билан масал ақднинг теранлиги жисмнинг кўркем- лигидан афзал эканлигини билдиради.

13. БАЛИҚЧИЛАР

Бир жамоа балиқчилар сувга ташлаган тўрларини торта бошлабдилар; тўр жуда оғир эмиш. Буни кўрган балиқчилар, овимиз бароридан келди, деб

ўйлашиб, қўшиқ айта ва ўйин туша бошлашибди. Лекин тўрни тортиб чиқаришгандан кейин қарашса, унга бапиқ эмас, тошлар ва сув ўтлари илашган экан. Балиқчилар қаттиқ қуюна бошлашибди; улар нафақат овлари юрмаганидан, балки умидлари пучга чиққанидан хафа бўлишибди. Бу балиқчилар жамоасида бир кекса одам бор экан, пгу одам уларга дебди: "Қайғуни бас қилинг, биродарлар: билишимча, қувонч билан қайғу - ака-ука, бинобарин, биз қанча қувонган бўлсак, шунча қайғуришимиз ҳам керак".

Шу сингари, бизлар ҳам ҳаётнинг ўзгарувчан эканлигини унутмаслигимиз ва башарти бирон ютукка эришгудек бўлсак, энди умрбод саодат бизни тарк этмайди, деб ўзимизни ўзимиз алдамаслигимиз лозим. Ахир айтганлар-ку: "Ҳар тонгнинг бир шоми бўлади", деб.

14. ТУЛКИ БИЛАН МАЙМУН

Йўлда ҳамроҳ бўлиб кетаётган Тулки билан Маймун, қай биримиз машхурроқмиз, деб баҳслаша бошлашибди. Униси ҳам, буниси ҳам роса оғиз кўпиртириб мақтанибди. Шу маҳал улар бир қабристон ёнидан ўта бошлашибди. Маймун у ердаги сағаналарга кўз ташлаб, оғир-оғир хўрсина бошлабди. "Ҳа, нима бўлди, нега хўрсиняпсан?" — деб сўрабди ундан Тулки; шунда Маймун қабртошларини кўрсатиб: "Негахўрсинмай! — дебди. — Ахир мана шу қабр тошлари тагига ота-боболаримнинг кул-лари дафн этилган". Тулки унгажавобан дебди: "Ҳа, мақтан-а, мақтан! Ахир бу майитларнинг биронтаси ҳам қайта тирилиб сени ёлғончига чиқара олмайди-да".

Одамлар орасида ҳам шундай ёлғончилар топиладики, улар сирларини фош қиладиган киши йўқ пайтида мақтанишади. Шунинг учун ҳам, мақтанишга мусофир юрт яхши, деб бекорга айтишмаган.

15. ТУЛКИ ВА УЗУМ

Қорни оч Тулки бир боғ ёнидан ўтиб кета туриб, узумлари шовул бўлиб осилиб турган токни кўрди; кўрдию узумини емоқчи бўлди. Лекин қанча уринса, қанча сакраса ҳам узумга бўйи етмади. Шунда ҳафсаласи пир бўлиб нари кетаркан, ўзига ўзи деди: "Ҳали хом — еб бўлмайди".

Одамлар ичида ҳам баъзи бировлар борки, жазм қилган ишларини уддалай олмасалар вазиятни, шароитни баҳона қилиб кўрсатадилар.

16. МУШУК БИЛАН ХЎРОЗ

Мушук бир Хўрозни тутиб олди ва чиройли баҳона ишлатиб, уни емоқчи бўлди. Аввалига уни, кечалари бемаҳалда қичкириб одамларни безовта қиласан, уларни ухлагани қўй-майсан, деб койиди. Лекин Хўроз бу таънага жавобан: "Ахир мен айнан ўша одамларнинг фойдасини кўзлаб қичқираман-ку, уларни уйғотиб, ишга боришга ундайман", деди. Шунда топган баҳонаси ўтмаган Мушук: "Аммо сен гуноҳга ботган муртадсан: табиат қонунига риоя

килмай, онангния, опа- сингилларингния патира-путир босаверасан", деб Хўрозга

яна айб Қўйди. Хўроз бўлса: "Мен бу ишни ҳам одамларнинг манфаатини кўзлаб қиламан - шундай қилсам товукпар кўп- роктухум туғиб беришади", деди. Бу жавобдан эсанкираб ган тополмай қолган Мушук Хўрозга ўшқириб берди- "Нима"

али" десам, "бали" деб мендан қочиб қутулмоқчимисан? Овора бўласан!"

Масал демоқчики, нияти бузук одам бирон ёвуз ишга жазм қилдими, хоҳ қандайдир "олижаноб" важни баҳона қилиб, хоҳ даНгал очикчасига иш кўриб, кўзлаган шум ниятини амалга оширмай қўймайди.

17. ДУМСИЗ ТУЛКИ

Тулки бир тузоққа тушиб думидан айришиб қолди-ю бундай шарманда бўлиб яшашдан истиҳола қилди. Шунда у айёрлик қилиб, ҳамма тулкиларни ўз думларини кесиб ташлашга унда- моқчи бўлди: кўп қатори бўлсам айбим сезилмайди деб ўйлаган-да. Мана, у бутун тулки қавмини йиғиб: "Келин-лар, биродарлар, думларимизни кесиб ташлайлик Сабабки биринчидан, қоматимизни бузади; иккинчидан, у биз учуп ортиқча юк", деди. Бу ваъзни эшитган тулкилардан бири деди: "Сени қара-ю! Агар ўз фойдангни кўзламаганингда оизларга бундай маслаҳат бермаган бўлардинг".

Бу масал ўз яқин хешларига чин дилдан эмас, балки ўз шахсии манфаатини кўзлаб маслаҳат берувчи одамларга қаратилган.

18. БАЛИҚЧИ БИЛАН БАЛИҚЧА

Балиқчи сувга ташлаган тўрини тортган экан, унга битга кичкина балиқ илинибди. Шўрлик Балиқча тилга кириб Балиқчига елвора бошлабди: "Эй саховатли Балиқчи сен ҳозир мени қўйиб юбор - ҳали жуда кичкинаман, кейинроқ ушиб катта бўлганимда тутсанг, ўзингга фойда бўлади" Лекин Ба.тиқчи унга жавобан дебди: "Кўлимга илиниб турган ўлжани ташлаб, йўқ ердаги нарсага умид боғлайдиган аҳмоқ эмасман" Бу масал, келажавдаги катта фойдадан, кичкина бўлса ҳам қўлга кириб турган ўлжа афзал, деб сабоқ беради. Ахир айтган- лар-ку, узоқцаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши, деб

19. ТУЛКИ ВА ТИКАНЛИ БУТА

Тулки деворга чикмоқчи бўлди ва йиқилиб кетмаслик учуи тикаили Бутадан ушлади. Бутанинг ўткир тиканлари унинг баданини тилиб оғритди, шунда Тулки Бутага маломат қилиб, деди: "Ахир мен сендан ёрдам тилаб қўл чўзган эдим- ку, сен бўлсанг ёрдам кўрсатиш ўрнига баданимни тилка- пора қилдинг". Бута унга эътироз билдирди: "Сен, тасаддук, менга ёпишиб хато қилдинг, сабабки, мен ўзим ўтгангайм, кетгангайм ёпишишга одатланганман".

Ҳа, одамлар орасида ҳам касби фақат зиён етказиш бўлган баднийат кишилардан ёрдам сўрайдиган нодонлар топилади.

¹ Т у н е с - йирик йиртқич денгиз балиғи.

24. БЕМАВРИД СЕМИРГАН ТУЛКИ

Бир куни корни оч Тулки дарахт кавагида подачилар эхтиёт шарт қўйиб кетган нон билан гўштни кўриб қолди. Шу заҳоти кавакка кириб олиб ҳамма егуликни еб тугатди. Кейин ташқарига чикмоқчи бўлган эди, қўп овқат егани учун корни дўмбира бўлиб шишиб кетганидан, қанча кучаниб ихрамасин, инграмасин, ҳеч кавак оғзига сиғмади. Шу маҳал бу ердан чопиб ўтиб кетаётган бошқа бир Тулки унинг оху ноласини эшитиб қолди ва яқин келиб кавакдаги Тулкидан ҳол-аҳвол сўради; нима бўлганини билгач, ҳамжинсига шундай деди: "Энди кавакка кираётганингдаги ҳолингга қайтгунигча шу ерда ўтирасан. Фақат шундагина кавакдан чиқа оласан".

Бу масалдан ҳулоса шуки, қийин вазиятлар ҳам фурсати келганда ўзидан-ўзи енгиллашиши мумкин.

25. КЎКТОРҒОҚ

Кўкторғоқ — хилват жойларни ёқтирадиган қуш, шу сабабли у ҳамиша денгизда яшайди. Айтишларича, у ўзини қуш онловчилардан олиб қочиш мақсадида уясини соҳилдаги қои гошлар устига қўяр экан. Мана, унинг тухум қўйиб бола очадиган пайти келибди; у денгиз узра туртиб чикиб турган бир қояни танлаб, ўшанинг устига ин қурибди. Лекин кунларнинг бирида у овқат излаб учиб кетганида, кўтарилган кучли шамолдан денгиз қаттиқтўлқинланиб, Кўкторғоқнинг ииғача кўтарилибди ва уни ювиб юборибди; ҳамма полапонлар сувга чўкиб нобуд бўлибди. Кўкторғоқ инига қайтиб келиб юз берган фалокатни кўрибди ва дебди: "Шўргинам курсин! Мен курукликдаги хатардан кўрқиб, денгиздан паноҳ излагандим, аммо денгиз янада қабихроқ, маккорроқ бўлиб чиқци".

Одамлар ҳам шундай, душмани таъкибидан қочиб қуту- лиш учун, билмасдан, ичиқора, бадният дўстларидан паноҳ излайдилар.

28. АЛДАМЧИ

Бир камбағал одам касал бўлиб қолди. У кун сайин дарди оғирлашаётганини сезиб, агар тангрилар дардимга шифо бер- салар, уларга ҳекатомба¹ қурбонлик қилган бўлардим, деб қасам ичди. Тангрилар бу одамни синаб кўрмоқчи бўлдилар вадардини енгиллаштирдилар. Камбағал соғайиб оёққатурди ва қурбонлик қилиш учун биронта ҳам букаси бўлмагани сабабли, чўчка ёғидан юзта буқанинг хайкалчаларини ясади- да, уларни қурбонгоҳца қуйдираркан, деди: "Ё тангрилар, қилган қурбонлигимни қабул қилинглар!" Ана шунда тангрилар ҳам бу ёлғончини алдамоқчи бўлдилар ва у ухлаб

¹ **Ҳ е к а т о м б а** — тангриларга аталган энг йирик қурбонлик; бу сўз "ютга бука" деган маънони билдиради. Лекин одамлар, одатда, номига, **биргина** танани қурбонлик қилиш билан чекланадилар.

ёгганида, тушида, агар денгиз бўйига борсанг, минг драхма пул топасан, дедилар. Севинчи ичига сиғмаган камбағал денгиз бўйига югуриб борди ва қароқчилар кўлига тушди. Кейин қароқчилар уни олиб кетиб, бошқа юртда қул қилиб сотдашар.

Бу масал қаллоб одамларни фош қилади.

29. КЎМИРЧИ БИЛАН БЎЗЧИ

Кўмирчи бир уйда ижарага турарди. Бир куни у ўз таниши Бўзчини учратиб қолиб, унга: "Мен билан бирга турсанг-чи, - деб таклиф қилди, - бир-биримизга ҳамдам бўлардик, ижара ҳақи ҳам икки марга арзонлашарди". Лекин Бўзчи унга эътироз билдириб, деди: "Йўқ, ўртоқ, бундай қилолмайман: мен оқлаган бўзга сен қора юктириб қўясан".

Бу масал номувофикнарсаларнинг ҳеч ҳам ўзаро қовуша олмаслигини билдиради.

36. КЕМА ҲАЛОКАТИГА УЧРЛГЛІ? ОДАМ

Афиналик бир бадавлат одам кўпчилик йўловчилар билан денгизда сузиб борарди. Бир пайт қаттиқтўфон кўтарилиб, кемани ағдариб юборди. Кемада бўлган барча йўловчилар жон сақлаб сувда суза бошладилар; фақат афиналик бой тангри Зевсга сиғиниб, унга бемисл ваъдалар қила бошлади. Шу пайт унинг ёнидан сузиб ўтаётган йўловчилардан бири: "Зевсдан мадад сўрашга сўра-ю, лекин ўзинг ҳам ҳаракат қилгин-да", деди.

Бизлар ҳам худоларга сиғинишга сиғинайлик, аммо ўзимиз ҳам ҳаракат қилайлик-да. Ҳаракатда баракат, деганлар ахир.

32. ҚОТИЛ

Бир одам қотиллик содир этди. У ўлдирган одамнинг қариндошлари уни таъқиб қила бошладилар. Қотил қочиб Нил дарёси бўйига келди, лекин бу ерда у бир бўрини учратиб, қўрққанидан шохлари дарё узра эгилган каттакон дарахтга тирмашиб чиқиб олди ва унинг қалин новдалари орасига яширинди. Қараса... шундоққна кўзи олдида каттакон бир илон тебраниб турганмиш. У илондан қочиб ўзини сувга отди; лекин сувда уни тимсоҳ пойлаб турган эди — шу заҳоти уни ютиб юборди.

Масал дейдики, жиноят қилиб гуноҳга ботган одам ерда ҳам, кўкда ҳам, сувда ҳам ўзига паноҳ топа олмайди.

33. МАҚГАНЧОҚ СПОРТЧИ

Бешкураш¹ мусобақасида қатнашувчи бир спортчини ҳамюртлари "қўрқоқ" деб мазах қилишади. Шунда у ўз шаҳридан бош олиб чиқиб кетади ва анча вақтдан кейин қайтиб келиб, бошқа шаҳарларда кўп ютуқларга эришганини, Родос шаҳрида эса, биронта ҳам олимпиада ғолиби сакрай олмаган

масофага сакраб, ҳамманинг оғзини очириб қўйгакини айтиб мактанади; кейин: "Агар ўша сакраганимни кўрган оДамлар бу ерга кела олишганда эди, гапимнинг ростлигини тасдиқлаган бўлишарди", дейди. Лекин спорт- чининг гапини эшитиб турганлардан бири унга дейди: "Тасаддуқ, агар гапинг рост бўлса, уни тасдиқлашга на ҳожат? Кел, яхшиси, сен бу ерни Родос деб ҳисоблагин-да, кўрсат ўша узокқа сакрашингни".

Масал дейдики, агар бирон ҳаракатни амшзда исботлаш мумкин экан, уни ижро этиш ўрнига оғиз кўпиртириб мақганиш шарт эмас.

34. ВАЪДАБОЗ ОДАМ

Бир ғариб одам касал бўлиб ётиб қолди ва ўзини жуда ёмон ҳис қила бошлади. Бора-бора шу аҳволга тушдики, ҳатто табиблар ҳам уни даволашдан бош товладилар; ана шунда Ғариб тангриларга ёлвориб, агар соғайиб кетса, улар учун ҳекатомба қурбонлик қилишга, яна кўп бойликларини тангриларга бахшида қилишга сўз берди. Шу ерда эрининг ваъдаларини эшитиб турган хотини ундан: "Вой, қайси пулингга қиласан бу қурбонлик ва эҳсонларни?" деб сўради. Эр хотинига: "Нима, менинг соғайиб кетишимдан мақсад. фақат тангриларга қурбонлик қилишим экан-да, сенингча?" деди.

' Б е ш к у р а ш — Юнонистонда гимнастик ўйинларнинг асосий мажмуаси ҳисобланган; унинг таркибига: югуриш, баландга сакраш, кураш, лаппак отиш ва найза отиш мусобақалари кирган.

Масал дейдики, баъзи одамлар аслида бажаришни хаёл- ларига ҳам келтирмаган нарсаларни ижро этишга осонликча ваъда қилаверадилар.

36. МАККОР

Бир маккор одам, Делфадаги илоҳий башоратгоҳнинг ҳам- ма кароматлари ёлғон ва сохта; мен буни исботлайман, деб ўртоғи билан гаров ўйнабди. Кейин у бир чумчукни тутиб олиб, эғнидаги ридоси енгига яширганча ибодатгоҳга кириб- ди-да, кароматгўй илоҳ қаршисида туриб сўрабди: "Қўлим- даги нарса нима - жонлими ё жонсизми?" Бундай саволдан мақсад: агар тангридан, "жонсиз", деган калом эшитилса, у тирик чумчукни кўрсатмоқчи, борди-ю "жонли", деган ваҳий келса, чумчукни ўлдириб, ўлигини кўрсатмоқчи эди. Вале тангри бу маккорнинг нопок ниятини фаҳмлаб шундай жавоб қилибди: "Бас қил муғамбирликни, нодон банда! Қўлинг- даги нарсанинг жонли ё жонсиз бўлиши ўз ихтиёрингда- ку".

Бу масал, тангриларни алдаб бўлмайди, демокчи.

37. СЎҚИР ОДАМ

Кўзи кўрмайдиган бир одам кўлига тутқазилган ҳар қандай жониворни пайпаслаб туриб, унинг қандай жонзот эканини аниқ айта оларди. Мана, бир куни унинг кўлига бўри боласини тутқазишди; сўқир уни пайпаслаб кўрди-да, сал ўйланиб туриб, деди: "Аниқ айтолмайман, балки бу бўрининг, тулкининг ё

шу тоифадаги бошқа бир жониворнинг боласидир; лекин шуни яхши биламанки, буни қўй-қўзилар сурувига яқин йўлатмаганлари маъқул".

Масал, ичикора одамнинг ёвуз эканлигини унинг сиртига қараб ҳам билиш мумкин, демоқчи.

40. ЮЛДУЗШУНОС

Бир юлдузшунос олим ҳар куни кечқурун уйдан чиқиб, осмондаги юлдузларни кузатарди. Мана, бир куни у шундай сайрга чиқиб, бутун хаёли осмондаги юлдузлар билан банд бўлган ҳолда йўл ёқалаб кетаверди ва беҳосдан бир қудукка тушиб кетди. Шу заҳоти у уввос солиб, одамлари ёрдамга чақира бошлади. Бу ердаи ўтиб кетаётган бир киши олимнинг дод-войини эшитиб, қудукбошига келди ва не ҳол юз берганини билиб, унга деди: "Сени қара-ю! Осмонда нималар бўлаётганини билмоқчи бўласан-у, ерда, оёғинг остида нималар борлигини кўрмайсан".

Бу масални ҳамма осонгина бажара оладиган энг оддий ишни ҳам уддалай олмайдиган, лекин оламшумул мўъжизалар ҳақида билагонлик қилиб, катта нутқлар сўзлайдиган одам- ларга нисбатан қўлласа бўлади.

42. ДЕҲҚОН ВА УНИНГ БОЛАЛАРИ

Вақти қазоси етиб қолганини сезган бир кекса деҳқон ўздан кейин болаларининг яхши миришкор деҳқон бўлиб, яхши ҳаёт кечиришларини хоҳлабди-да, уларни ўз қошига чорлаб шундай дебди: "Болаларим, боғимиздаги тоқларнинг тагига мен ҳазина қўмганман". Чол қазо қилибди, ўғиллари уни дафн этиб келиб, дарҳол белқурак ва кетмонлар билан бутун боғни кавлаб, чопиб чиқишибди, аммо ҳеч қандай ҳазина топмабдилар. Вале яхши ишлов берилган тоқлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бемисл мўл ҳосил келтирибди.

Ушбу масал, меҳнатнинг меваси — одамлар учун ҳазинадир, демоқчи.

43. ҚУРБАҚАЛАР

Иккита Қурбақаўз масканлари бўлмиш қўлмақда сув қуриб қолгагшдан кейин боигқа сувли ерни қўндириб йўлга тушадилар. Мана, улар бир қудук олдига келадилар; шунда биринчи Қурбақа: "Кел, тезроқ қудукка сакраб тушақолайлик - ўйлаб ўтираимизми?" дейди. Лекин иккинчи Қурбақа ҳамроҳига жавобан шундай дейди: "Борди-ю бу ерда ҳам сув қолмаса, унда қандай чиқамиз қудук ичидан?"

Бу масал бизга ҳар қандай ишга киришишимиздан олдин қилмоқчи бўлган ишимизни пухта мулоҳаза қилиб кўрмо- ғимиз лозимлигини ўргатади.

45. ҲЎКИЗЛАР ВА АРАВАНИНГ ЎҚИ

Бир жуфт Ҳўкиз юк ортилган аравани тортиб борарди-, араванинڭ Ўқи эса тинмай ғижирларди. Шунда Ҳўкизлар бошларини ўгириб дедилар: "Эй Ўқ! Ахир бутун оғир юкни тортиб кетаётган бизлар-ку, сен нега инграйсан?"

Баъзи одамлар ҳам шунақа! Тер тўкиб ишлайдиганлар бошқа-ю, улар ўзларини ишлайвериб қийналиб кетгандек қилиб кўрсатадилар.

46. БОРЕЙ ВА ҚУЁШ

Борей' билан Қуёш, қай биримиз кучлироқмиз, деб баҳслашиб қолишди ва, кимки йўловчи одамни ечинишга мажбур қила олса, ўша бу баҳсда ютади, деган қарорга келишди. Биринчи бўлиб Борей ишга киришди. У кучаниб совуқхаво пуфлай бошлади, лекин одам эгнидаги кийимига ўраниб олди. Борей янада кучлироқ пуфлашга тушди, одам совуқ қотиб, бисотида бўлган ҳамма кийим-кечакларни устига ёпиб маҳкамроқ ўраниб олди. Ниҳоят Борей пуфлашдан чарчаб, навбатни Қуёшга берди. Қуёш олдинига илиқ тафти билан одамни аста-аста исита бошлади, шунда одам устидаги ортикча кийимларни еташгатушда. Кейин Қуёш тафтини зўрайтириб, одамни чўғдай қиздира бошлади; ана шунда бу жазирама иссиққа дош бера олмаган одам қип-яланғоч бўлиб ечиниб, шу яқин ўртадаги дарё бўйига югуриб бориб ўзини сувга ташлади.

Масалнинг таъкидлашича, кўпинча куч-қудратдан кўра эътиқод салмоқли самара беракан.

48. САЪВА

Деразага осиб қуйилган қафасдаги Саъва кечаси билан тинмай сайраб чиқарди. Унинг хоншини эшитган Кўршапалак учиб келиб: "Нима учун кун бўйи чурқ этмайсану нукул кечаси сайрайсан?" деб сўради. Саъва унга жавоб берди: "Бу- нинг сабаби бор: мен илгари кундузи сайраб юрган чоғимда ногахон тўрга илиниб қолгандим. Шундан кейин эсим кириб, фақат кечалари сайрайдиган бўлдим". Кўршапалак унга шундай танбехберди: "Сен илгари, тўрга илинмасингдан олдин шунақа эҳтиёткор бўлишинг керак эди. Эсингнинг энди кирганидан фойда йўқ".

Масал, фалокат содир бўлганидан кейинш пушаймон ҳеч кимга ҳеч қандай наф келтирмайди, демоқчи.

49. ПОДАЧИ

Подачи пода боқиб юрганида бир бузоғи йўқолиб қолди. У ҳаммаёқни кидириб чиқди, лекин тополмади. Шунда у, агар ўғрини топса, улуғ тангри Зевсга бағишлаб бир улоқ сўйишга аҳд қилади. Мана, у тасодифан бир қуюқ дарахтзорга киради-ю, йўқотган бузоғини бир Шер ғажиб еяётганини кўради. Кўради-ю, каттик ваҳимага тушиб, икки кўлини кўкка чўзганча тавалло қилиб дейди: "Ё бузург Зевс! Ўғрини топсам, сен учун бир улоқни қурбон қилишга ваъда бергандим; энди агарда мен ўғридан жон саклаб қололсам, сенга бағишлаб ҳўкис сўйгум, албатта".

Бу масални ўзларида йўқ нарсани кидирган, топгач эса, ундан қандай қутулиш йўлини билолмай мушкул аҳволга тушган омадсиз одамларга нисбатан қўллаш мумкин.

50. СУВСАР ВА АФРОДИТА

Сувсар бир барно йигитни астойдил севиб қолади ва Афродитага¹, мени аёл аёл кишига айлантир, деб илтижо қилади. Маъбуда ишқ алангасида лов-лов ёнаётган Сувсарга раҳми келиб, уни соҳибжамол қизга айлантиради. Йигит бир кўришдаёқ бу қизни севиб қолади, сўнг уни ўз уйига бошлаб келади. Мана, улар хобхонага киришади. Шунда Афродита, Сувсар ўз киёфаси билан бирга туғма хулқ-атворини ҳам ўзгартирдимикин, деб уни синаб кўрмоқчи бўлади ва хобхо- нага бир сичконни киритиб юборади. Ана шунда Сувсар ўзининг қаерда ва ким эканлигини унутиб қуйиб, тўшакдан сакраб турадию сичконни тутиб ейиш учун унга ташланади. Бу ҳолни кўриб жажли чикиб кетган Афродита гўзал қизга айланган Сувсарни яна аввалги киёфасига қайтаради.

Одамлар ҳам шунақа; улар табиатан нодон бўлсалар, ташқи киёфалари ўзгарганида ҳам феъл-атворлари ўша-ўшалигича қолади.

51. ДЕХҚОН ВА ИЛОН

Бир Илои аста ўрмалаб келиб Деҳқоннинг ўғилчасини чакиб ўлдирди. Бу оғир мусибатдан аламдийда бўлган Деҳқон кўлига болта олиб, Илонни инидан бош чиқаргани ҳамона чопиб ўлдирмоқчи бўлиб пойлай бошлади. Мана, Илоннинг боши кўринди, Деҳқон уни болтаси билан чопмоқчи бўлди, аммо Илон чап бериб қолди, болта эса уя оғзидаги катта тошни ёриб юборди. Шу воқеадан кейин Деҳқон юрак олдириб қўйди ва Илонга ёлвориб, кел, ярашайлик, деди. "Иўқ, - деб жавоб қилди унга Илон, - ёрилган тошни кўриб мен ҳам, ўғлингнинг қабрини кўриб сен ҳам бир- биримизга яхшилик тилай олмаймиз".

Бу масал мудҳиш адоватдан кейин битим тузиш осон бўлмаслигини билдиради.

53. ДЕХҚОН ВА УНИНГ ЎҒИЛЛАРИ

Бир Деҳқоннинг ўғиллари доим бир-бирлари билан низолашгани-низолашган эди. Деҳқон неча-неча бор, аҳил бўлинглар, деб ўғилларига яхшиликча насиҳат қилиб кўрди, аммо улар кулоқ солишмади. Шунда чол болаларига дарахт чивикларини бир даста қилиб йиғиб келишни буюрди. Ўғиллар буйруқни бажаришди. Деҳқон ўғилларига, шу бир даста чивикни бир йўла синдиринглар-чи, деди. Лекин ўғиллари, қанча

¹ Б о р е й - Юнон ривоятларида шимол шамоли.

¹ А ф р о д и т а — Зевснинг қизи, муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси.

уринишмасин, чивик дастасини синдира олмадилар. Шунда ота чивикпар боғичини ечиб, ўғилларига биттадан чивикулашди; ўғиллар чивикдоналарини осонгина синдиришди. Дехқон деди: "Сизлар ҳам, болаларим, бир- бирингиз билан ахил бўлсангиз, ҳеч қандай ғаним сизларни енга олмайди, борди-ю ҳадеб низолашаверсангиз, ҳар қандай ожиз одам ҳам махв этиши мумкин сизларни".

Масалдан ҳисса шуки, аҳиллик, тотувлик нақадар қудратли бўлса, низою нифокшу қадар заифдир. Ахир, айрилган озар, бирлашган ўзар, деб бекорга айтмаганлар-ку.

57. КАМПИР ВА ТАБИБ

Кампирнинг кўзи оғриб қолди, у Табибни чақириб, агар кўзимни даволаб тузатсанг, яхши ҳақ тўлайман, деб ваъда қилди. Табиб муолажани бошлади. Лекин у ҳар гал келиб Кампирнинг кўзига дори суркаганида, унинг кўзини чирт юмиб ўтирганидан фойдаланиб, уйдаги буюмлардан бирон- тасини олиб кетаверди. Ниҳоят, у Кампир уйдаги жамики қақир-қукур ва анжомларни олиб кетиб бўлгач, муолажа тугаганини айтиб, ваъда қилинган хизмат ҳақини талаб қилди. Кампир ҳақ тўлашдан бош тортди; шунда Табиб Кампирни ҳакамлар олдига судраб бориб, унинг устидан арз қилди. Кампир эса шундай баёнот берди: "Ҳақ рост, мухтарам ҳакамлар, мен бу Табибга, агар кўзимни даволаб тузатса, ҳақ тўламоқчи бўлувдим. Ҳолбуки, унинг муолажасидан кейин кўзларим ҳеч нима кўрмай қолди: мен илгари ўз уйимдаги ҳамма буюмларни кўрардим, энди у ерда ҳеч нима кўрмаяп- ман".

Ҳаётда ҳам шундай: бадбин ва бадният кишилар кўпинча катта манфаат кетидан қувиб, ўз иллатларини ошкор қилиб қўйганларини сезмай қоладилар.

58. БЕВА АЁЛ ВА ТОВУҚ

Бир бева аёлнинг ҳар куни тухум туғадиган битта товуғи бор эди. Бева, агар унга кўпроқ дон берсам, кунига иккитадан тухум туғиб беради, деб ўйлади ва шундай қилди ҳам. Лекин Товуқ бундай боқувдан семириб кетиб, бутунлай тухум қилмай қўйди.

Масал айтмоқчики, аксар зикна одамлар бориға қаноат қилмай, тезроқбойиб кетмоқчи бўладилар ва оқибатда бор бойликларидан ҳам жудо бўладилар.

61. ДЕҲҚОН ВА ТАҚДИР

Бир Дехқон ўз чорбоғида ер чопиб туриб, ҳазина топиб олди. Шундан кейин у бу чорбоғни, хожатбарорим, деб эъзозлаб, ҳар куни янги-янги турфа гуллар билан безатиб турди. Дехқоннинг бу амалини кўрган Тақдир унинг ёнига келиб шундай деди: "Биродарим, нима учун сен Ерга миннатдорчилик билдирмоқдасан? Ахир ҳазинани сенга Ер эмас, мен бахш этдим-ку, сенинг бой бўлишингни хоҳлаб! Борди-ю, ишларинг беҳосдан чаппасига кетиб, ночор

ва нотаваон аҳволга тушсанг, унда яна мени — Тақдирингни қарғай бошлайсанми?"

Масалдан ҳисса шуки, ҳар бир инсон ўз валинеъматини билмоғи ва мудом унга миннатдорчилик изҳор қилиб турмоғи лозим.

65. ИККИ ЎРТОҚ ВА АЙИҚ

Икки ўртоқ ўрмондаги сўқмоқ йўлдан кетиб борарди, қутилмаганда олдиларидан бир баҳайбат Айиқчиқиб қолди. Йигитлардан бири шу заҳоти дарахтга тирмашиб чиқиб новдалар орасига беркиниб олди, Лекин иккинчи йигит қочишга улгура олмади, шу боис ерга узала тушиб, худди ўлиқдай кимир этмай ётди. Айиқ унга яқин келиб, афтини ҳиддай бошлаганида, йигит нафас ҳам олмади; чунки, айтиш- ларича, айиқлар ўлаксаларга тегмас экан. Мана, Айиқ орқасига ўгирилиб жўнаб кетди, шунда дарахтга чиқиб олган ўртоқ ерга тушди ва: "Айт-чи, Айиқ қулоғингга нималарни пичир- лади?" деб сўради. Ўртоғи унга жавобан бундай деди: "Бундан кейин сафарга чиққанингда сени мушкул аҳволда ташлаб қочадиган одам билан ҳеч ҳам ҳамроҳ бўлма, деб шипшиди".

Масалдан хулоса шуки, ҳақиқий дўст бошга оғир мусибат тушганда билинади.

66. ИККИ ЙИГИТ ВА ҚАССОБ

Икки йигит қассобдан гўшт харид қила бошлади. Қассоб иш билан алахсиган пайтда йигитлардан бири пештахтада ётган бир бўлак гўштни олиб, ўртоғининг қўйнига солиб қўйди. Қассоб ўгирилиб гўштнинг йўқолганини сезди ва йигитларни айблай бошлади. Лекин гўштни олган йигит, худолар шохид, менда сизнинг гўштнингиз йўқ, деб, гўшт бўлагини қўйнига яширган йигит эса, мен гўштингизни олмадим, деб қасам ича бошладилар. Уларнинг найранг ишлатаётганини фаҳмлаган қассоб деди: "Ҳай, майли, ёлғон қасам ичиб мендан кутулиб кетяпсизлар; аммо, барибир, бундай қасамхўрлик қилганингиз учун худолар ғазабидан қутулолмагайсиз".

Масалдан ҳисса шуки, сохта қасам, уни нечоғли никоб- лашга уринмасинлар, барибир ҳамиша у қабиҳдир.

68. РАҚИБЛАР

Ўзаро ёвлашиб қолган икки рақиб бир кемада сузиб борарди. Улар бир-биридан узоқроқ бўлиш мақсадида бири кеманинг қуйруғига жойлашди, иккинчиси кема тумшугига ўтириб олди. Улар ҳамиша шу алфозда ўтиришди. Бир маҳал денгизда даҳшатли тўфон кўтарилиб, кема чўка бошлади. Шунда кема қуйруғида ўтирган одам дарғадан, кеманинг қай қисми олдин сувга чўкади, деб сўради. "Тумшуги", деб жавоб қилди дарға. Буни эшитиб, қуйруқцаги одам деди: "Ундай бўлса ўлимимга розиман, фақат душманимнинг мендак олдин сувга ғарқ бўлишини кўрсам армоним қолмайди - кўнглим таскин тоииб ўламан".

Шундай одамлар борки, ғанимининг изтироб чекишини кўриш учун ўзлари ҳам баттарроқ азобга дучор бўлишдан қайтмадилар.

69. ҚЎШНИ ҚУРБАҚАЛАР

Бир-бирига қўшни икки Курбақа бор эди. Уларнинг бири йўлдан четроқцаги ҳовузда, иккинчиси шундоққина катта йўл бўйидаги қўлмак сувда яшарди. Ҳовузда яшовчи Курбақа қўшнисини ўзи билан бирга яшашга таклиф қилиб деди: "Келсанг яхши бўларди, эгачи, бу ерда хўрак кўп, биргаликда тинч-тотув бўлиб яшардик". Лекин йўл ёқасида яшовчи Курбақа бўлса унга: "Йўк, қўшнижон, мен ўз қўлмагимга кўникиб қолганман, уни ташлаб кетолмайман", деб қўшни- сининг ҳовузига боришга рози бўлмади ва оқибат, кунларнинг бирида йўлдан ўгиб бораётган арава ғилдираги уни мажаклаб юборди.

Одамлар орасида бетутуриқ одатга қўл бўлиб яшовчилар топиладики, ундайлар орзу қилган эзгу ниятларига ета олмай дунёдан кўз юмадилар.

70. ЭМАН ДАРАХТИ ВА ҚАМИШ

Эман билан Қамиш, қай биримиз кучлироқмиз, деб баҳслаша бошладилар. Шу баҳс пайтида кучли шамол кўтарилди ва Қамиш бир сесканиб кетиб, бу шамолга бош эгиб ғаъзим қилди; аммо Эман шамолга қарши кўксини қалқон қилиб тураверди, оқибатда илдизи билан кўпорилиб ерга қулади.

Ушбу масал, кучлилар билан баҳслашмаслик керак, деб уқтиради.

71. ШЕРНИНГ ОЛТИН ҲАЙКАЛИНИ ТОПГАН ҚЎРҚОҚ БОЙ

Пулни кўрса ўзини томдан ташлайдиган бир Қўрқоқ бой тилладан қуйилган шер ҳайкалини топиб олди ва ўзича шундай мулоҳаза юрита бошлади: "Энди нима қилсам экан буни, ҳайронман. Эсим оғиб довдираб қолдим. Очқўзлим мени бир томонга, қўрқоқлим иккинчи томонга тортиб, ҳоли жонимга қўйишмаяпти. Қандай қисмат ёки? Тангри яратдийкин бу тилла шерни менга азоб бериш учун? Паро- қанда қалбим ўз ёғига ўзи қоврилиб ётибди: ўзим олтинни жонимдан ортиқ яхши кўраман, лекин мана бу олтиннинг қиёфаси мени қаттиқ ваҳимага солмоқда. Дилим бу топилмани тезроқ ўзига олишни хоҳлаяпти-ю, аммо диёнат унга қўл теккизмасликка даъват этмоқда. Эй ёвуз қисмат! Бу нима қилганинг — беришга бериб, олишга олдирмаяпсан! Эҳ, бу қандай бойликки кўнгилни қувонтирмапти! Эй тангрёғи* нинг фалокатли саховати, нима қилсам экан сени? Қандай қилиб қўлга киритсам экан-а бу топилмани? Мен бирон найранг ишлатишим керак!.. Бўлди, топдим: ҳозир бориб бу ерга қулларимни бошлаб келаман - улар бараварига қўлда кўтаришади бу тилла шерни; мен бўлсам, уларни узоқдан кузатиб тураман".

Бу масал, ўз мол-давлатидан ҳузур қилиб, завқланиб фойдалана олмайдиган ношуд бойлар ҳақида.

72. АСАЛАРИ БОҚУВЧИ ОДАМ

Бир киши асалари уялари турган ўтлоққа эгаси йўқлигида келиб, асалари уяларидаги мумкатакларни анча-мунча асали билан ўғирлаб кетди. Хўжалик эгаси келганида уялар бўм-бўш бўлиб қолган эди; шунда асаларичи уяларни бирма-бир қўздан кечира бошлади; бу пайт даладан асаларилар учиб келишди ва уяларини титкилаётган асаларичини кўриб, уни чака бошлашди. Бу чақувлар азобига чидай олмаган асаларичи уларга деди: "Вой, ярамаслар-е! Бу нима қилганларинг? Нега сизларни парваришлаб боқиб келаётган мени аямай чақиб ётибсиз? Ахир сизлар мумкатакларингиз билан ғамлаган асалингизни ўғирлаб кетган одамни чақишингиз керак эди-ку!"

Шундай кишилар бўладики, дўстни душмандап фарқ қила олмайдилар ва ўзларини душмандан ҳимоя қилиш ўрнига, асл дўстларини душман билиб, уларни ўзларидан қувадилар.

73. ДЕЛЬФИН БИЛАН МАЙМУН

Сайр қилгани денгиз саёҳатига чиққан одамлар, одатда, ўзлари билан маймун олишарди. Шундай сайёҳлардан бири сафарга бир маймунни етаклаб чиққан эди. Мана, сайёҳлар тушган кема Афина яқинидаги Суний буруни ёнидан ўта бошлайди; шунда бирдан кучли тўфон кўтарилиб, кема сувга чўка бошлайди ва ундаги барча одамлар, шу жумладан, маймун ҳам, жон ширин эмасми, денгизда суза бошлайдилар. Шу маҳал бир Дельфин Маймунни кўриб қолади, уни одам деб ўйлаб, яқин боради-да, чўкиб кетишдан асраб, сохил томон ўз устида олиб кета бошлайди. Мана, улар Афинанинг Пирей лиманига яқинлашадилар. Шунда Дельфин Маймун- дан: "Сен ўзи афиналикмисан?" деб сўрайди. Маймун жавоб беради: "Ҳа, афиналикман,, У ерда номи улуғ бообрў қарин- дошларим кўп". Шу жавобдан кейин Дельфин: "Пирейни кўряпсанми?" деб сўрайди. Маймун, бу Пирей биронта одам бўлса керак, деб ўйлаб: "Ҳа, кўриб тураман, у менинг яқин қариндошим", дейди. Ёлғончининг бу гапидан аччиғи чиқиб кетган Дельфин Маймунни денгиз ўртасига судраб бориб чўктириб юборади.

Масал ёлғон сўзловчи одамларни қоралайди.

74. БУҒУ ВА ШЕР

Каттиқ сувсаган бир Буғу чанқоғини қондиргани булоқ бошига келади. У ҳузур қилиб сув ичаркан, ўзининг сувдаги аксини томоша қилади: тарвақайлаб ўсган йирик- йирик бежирим шохларига завқланиб қарайди, лекин қилтириқ, нимжон ва чўпдай ориқ оёқларини кўриб таъби хиралашади. Буғу шундай хаёлга ғарқ бўлиб турганида

Шер пайдо бўлади ва уни кува бошлайди. Буғу қочаркан, Шердан анча олдинлаб кетади. (Зеро Буғунинг кучи оёқ- ларида, Шерники - юрагидадир.) Буту очикдалада Шерни анча орқада қолдириб кетдти, лекин ўрмонга кириб борганида, шохлари дарахт навдаларига илашиб, тез югуролмайди, оқибат,

Шер уни тутиб олади. Шунда Буғу ажали етганини сезиб ўзига ўзи дейди; "Шунчали бадбахт эканман! Хиёнат қили- шади, деб гумонсираганим — оёқларим мени бир ўлимдан қутқардилар, аммо халоскорим деб умидвор бўлганим — шохларим мени ҳалок эгдилар".

Кўпинча фалокат содир бўлаётган пайтда ёрдам қўлини чўзишларига ҳеч кўзимиз етмаган дўстларимиз бизни хатардан омон сақлаб қоладилар, вале мададкоримиз деб умид боғ- лаганимиз дўстларимиз нобуд бўлишимизга йўл қўйиб берадилар.

76. БУҒУ ВА АРСЛОН

Бир Буғу овчилар таъкибидан қочиб Арслон ин қурган ғор оғзига бориб қолади ва ўзини панага олиш учун шу ғорга киради. Лекин бу ерда у Арслоннинг панжасига или- нади; у ўз ўлими олдидан дейди: "Э воҳ! Шўрим қуриди менинг! Ваҳший ҳайвоннинг чанғалига илиниш учун қочиб- ман-да одамлардан?"

Хулоса: баъзи кишилар кичик бир хатардан ўзларини олиб қочиб катта фалокатга рўпара бўлганларини сезмай қоладилар.

77. БУҒУ ВА УЗУМ ТОКИ

Бир Буғу овчилардан қочиб узумзорга яширинди. Овчилар уни кўрмай боғ ёнидан ўтиб кетишди. Шунда, фалокатдан қутулдим, деб кўнгли таскин топган Буғу Ток баргларини ея бошлади. Лекин овчилардан бири шу пайт тасодифан орқасига ўгирилиб, Буғуни кўриб қолди ва камонидан ўқ отиб уни яралади. Ажали етганини сезган жонивор оғир бир нола чекиб ўзига ўзи деди: "Эҳ, қандай шўрпешонаман! Қилмишимга яраша жазоимни олдим: бу Ток мени ўлимдан қутқариб қолган эди, мен бўлсам уни нобуд қилдим".

Бу масални ўз яқинларининг дилини оғритгани учун худо- нинг қаҳрига учраган одамларга нисбатан қўллаш мумкин.

79. МУШУК ВА СИЧҚОНЛАР

Бир хоиадонда Сичқонлар қўпайиб кетган эди. Буни эшитиб қолган Мушук шу уйга келиб, Сичқонларни бштама- битгатутиб ея бошлади. Ниҳоят, бунақада ҳаммалари қирилқб кетиши мумкинлигини ўйлаган Сичқонлар жон сақлаб ин- инларига беркиниб олдилар. Энди Мушук уларни тута олмай қолди. Ана шунда у ҳийла-найранг ишлатиб, Сичқонларни инларидан чиқармоқчи бўлди: у бир қозикқа худци ўлиб қолгандек осилиб турди. Лекин инидан бошини чиқариб мўралаган бир Сичқон осилиб турган Мушукни кўрди-да, шундай деди: "Йўқ, эгачи, ҳагто қопга айланиб осилганингда ҳам сенга яқин йўламайман".

Масал дейдики, бирон кимсанинг макру ҳийласига учраб панд еган доно одам, бир тошга икки марта қоқилмаганидек, бошқа ҳеч қачон алдовга учмайди.

80. ПАШШАЛАР

Бир омборхонада асач тўкилиб кетди; Пашшалар уни татиб кўриб, ширин эканлигини билишгач, ҳаммалари унга виж- виж бўлиб ёпирилишди. Лекин оёқлари асалга ботиб уча олмаганларидан кейин, тотли асалга ғарқ бўларканлар, дейиш- ди: "Эҳ, аттанг, бир зумли лаззатли ҳаёт деб жонимиздан жудо бўляпмиз".

Масал дейдики, шахвоний лаззатга муккасидан кетган одамларнинг кўпчилиги машъум бахтсизликка учрашлари муқаррардир.

81. ЭШАК, ХЎРОЗ ВА ШЕР

Кррни оч Шер бир оғилхонада Эшак турганини кўриб, уни емоқчи бўлди ва аста пусиб кела бошлади. Шу пайт уй эгасининг Хўрози қичқириб юборди (айтишларича, Шер Хўроз қичқириғидан қўрқар экан); Шер кўрқиб кетиб ерга қапишиб ётиб олди, сўнг тиракайлаб қоча бошлади. Шернинг Хўроз овозидан кўрқиб қочганини кўрган Эшакнинг ғайрати жўшиб кетди ва Шер орқасидан кува бошлади; ана шунда анча нарига бориб қолган Шер орқасига ўгирилиб, Эшакни тутиб еди.

Эшакка ўхшаган нодонлар одамлар орасида ҳам учраб туради. Рақибининг ўзини паст олаётганини кўрган бундай одам, мен зўр эканман, деб керила бошлайди ва ҳалокатга учраётганини сезмай қолади.

82. ТУЛКИ БИЛАН МАЙМУН

Урмонда барча ҳайвонлар катта анжуманга йиғилишиб, ўзларига подшо сайламоқчи бўлибдилар. Бу йиғинда Май- мун ўйноқлаб рақс тушиб ҳаммани койил қолдирибди; шу боис ҳайвонлар уни ўзларига подшо этиб сайлабдилар. Бироқ Тулкининг бунга ғайирлиги келибди; бир куни у ўрмонда бир бўлак гўшт илинган қопқонни кўриб қолибди ва Май- мунни бу ерга бошлаб келиб, дебди: "Бу ўлжани камина топдим, вале уни ўзимга олмадим - сизга илиндим, подшо- ҳим, марҳамат, ўз қўлингиз билан олиб тановул қилинг". Ҳеч қандай шубҳа сезмаган ғофил Маймун қопқонга яқин бориб унга илиниб қолибди ва Тулкидан бу разил қилмиши учун ўпқалана бошлабди. Тулки эса унга жавобан: "Вой, пандавақи-е, ҳали шу фаросатинг билан барча ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилмоқчи бўлдингми?" дебди.

Бирор бир ишга бемулоҳазалик билан киришган кишилар муваффақиятсизликка учраб, эл орасида шарманда бўла- дилар.

87. ТИЛЛА ТУХУМ ТУҒУВЧИ ҒОЗ

Бир одам худолар муждачиси Ҳермесга астойдил сиғинар ва уни эъзозларди. Шу иззат-икромидан Ҳермес унга тилда тухум туғувчи бир Ғоз тухфа қилди. Лекин бу одамнинг оз- оздан бойишга сабри чидамади: у, Ғознинг ичи олтинга тўла бўлиши керак, деб ўйлаб, уни шартта сўйди. Аммо

нияти пуч чиқди - Ғознинг қорнида ичак-чавақлардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Оқибат, ношукур банда кунда топиб тургани тилла тухумдан ҳам маҳрум бўлди.

Манфаатпараст, қурумсоқ одамлар ҳам шундай: катта бойлик кетидан қувиб, бор бойликларидан айрилиб қоладилар.

92. ИККИ ИТ

Бир одамнинг иккита ити бор экан: у бир итини ов қилишга, иккинчисини - уйни қўриқашга ўргатибди. Ҳар сафар овчи ит эгасига ўлжа тутиб келганида, эгаси ўлжанинг бир бўлагини қўриқчи итга ҳам ташлар экан. Бу ноҳақликка чидамаган Овчи ит Қўриқчи итга миннат қилиб, дебди: "Мен ҳар куни эртадан-кечгача елиб-югуриб, ҳориб-чарчаб ов қилиб келаман, аммо сен ҳеч иш қилмай, бировнинг тоиганини еб, қорин қаппайтириб ётибсан". Қўриқчи итунга шундай жавоб қилибди: "Сен бу миннатингни менга эмас, хўжайинга қил, чунки мени меҳнат қилмай, бировлар ҳисо- бига кун кечиришга ўша ўргатган".

Биз ҳам ишёқмас, ялқов болаларни эмас, балки уларни шундай қилиб ўстирган ота-оналарини қойишимиз керак.

94. ОТА ВА УНИНГ ҚИЗЛАРИ

Бир одамнинг икки қизи бор эди. У бир қизини полизчи деҳқонга, иккинчи қизини кулолга эрга берди. Орадан вақт ўтиб, бир куни ота полизчи куёвиникига борди ва қизидан ҳол-аҳвол сўради. Қизи: "Бинойидай яшаб турибмиз, ҳамма нарсамиз етарли, - деди, - фақат тез-тез ёмғир ёғишини тангрилардан илтижо қилиб ётибмиз: эккан сабзавоту қўкат- ларимиз сувга қонсинлар учун". Кейин ота иккинчи қизидан хабар олгани кулол куёвиникига ҳам борди. Бу қизи ҳам: "Ҳеч нимадан камимиз йўқ, - деб жавоб қилди отасига, - фақат об-ҳаво яхши бўлса, куёш чарақпаб қиздириб турса бўлгани: ясаган сопол идишларимиз тезроқ қурийд. Биз тангрилардан фақат шуни сўраймиз доим". Бу гапни эшитиб, ота қизига деди: "Сен об-ҳаво яхши бўлишини истасанг, опанг тез-тез ёмғир ёғишини хоҳлаеса, унда мен тангриларга сиғинганимда қай биринг учун мадад сўрайман?"

Масал дейдики, агар одам бир-бирига зид бўлган иккита ишга баравар киришса, унинг ҳеч қандай самарага эриша олмаслиги муқаррардир.

97. БҮРИ БИЛАН УЛОҚЧА

Подадан орқада қолган бир Улоқчани Бўри қува бошлабди. Улоқча ундан қочаркан, орқасига ўгирилиб, дебди: "Бўри, Бўри, биламан, ҳозир сен мени ейсан. Кел, ўлимим олдидан сени бир хурсанд қилай: сен сурнай чал, мен рақсга тушай". Мана, Бўри еурнай чалибди, Улоқча эса ўйнай бошлабди; шунда подани қўриқловчи итлар сурнай овозини эшитиб, Бўрини қува кетишибди. Бўри думини хода қилиб қочаркан, дебди: "Бу кунимдан батгар

бўлмайманми: а>;ир мен қассоб- ман-ку... Ким қўйибди менга машшоқлик қилишни?"

Одамлар ҳам шундай: агар бирон ишга бемаврид қўл урсалар, эришган ўлжаларидан ҳам куруқ қоладилар.

98. БЎРИ ВА ТОМДАГИ УЛОҚЧА

Бўри бир уй ёнидан ўтиб бораётганида шу уй томига чиқиб олган Улоқча уни бўралаб сўка бошлади. Бўри унга қараб: "Мени сен эмас, сен турган жой сўкяпти", деди.

Масал дейдики, вазиятнинг қулайлиги ўзидан кучли бўлган одамга дағаллик қилиш учун имкон яратаркан.

100. ЗЕВС, ПРОМЕТЕЙ, АФИНА ВА МОМ

Олий тангри Зевс буқани, титан Прометей - одамни ярат- дилар, Зевснинг кизи маъбуда Афина — уй бунёд этди. Сўнг тангрилар бу ижодларига баҳо бериш учун Момни¹ ҳакам зтиб тайинладилар. Ичиқора Момнинг рашки келиб, илохий ижодларни шундай баҳолади: "Зевс хатога йўл қўйган: буқанинг кўзи шохига ўрнатилмаган, ахир бунақада буқа нимани сузаётганини кўрмайди-ку; Прометей яратган одамнинг юрагини сиртга чиқариши керак эди, ҳозир бу одам яхшини ёмондан дарров фарқила олмайди, кимнинг кўнглида нима борлигини кўра олмайди; Афина бўлса, яратган уйини ғилдиракларга ўрнатиши керак эди, шунда бу уй эгаси агар ёмон одамга қўшни бўлиб қолса, осонгина кўчиб кетиши мумкин бўларди". Бундай тутуриқсиз, ғийбат гапдан қаттиқ ғазаби қайнаган Зевс Момни Олга.-гпдан ҳайдаб тушириб юборган экан.

101. ЗОҒЧА ВА ҚУШЛАР

Зевс қушлар устидан шох тайинламоқчи бўлди ва бунинг учун жамаики паррандалар йиғиладиган анжуман кунини

¹ М о м - санамТуннинг>тли, фиск-фаеодтимсоли.

белгилади. Ўзининг хунук қуш эканлигини яхши билган Зоғча ҳаммаёққан ҳар турли қушларнинг патларини териб, улар билан безанди. Мана, анжуман куни келди; шунда кўзни қамаштирадиган бўлиб безанган Зоғча ўзини Зевсга кўз-кўз қила бошлади. Зевс Зоғчанинг хусндорлигидан мароқланиб, уни шох этиб тайинламоқчи бўлди; лекин ҳамма қушлар бундан норози бўлиб чуғуллашди ва Зоғчани ўраб олиб, ҳар бир қуш унинг устидаги ўз патини голиб ола бошлади; ана шунда яланғоч бўлиб қолган қуш яна аввалги оддий Зоғчага айланди-қолди.

Одамлар ҳам шундай: уларнинг бу фоний ҳаётда эришган бойликлари вақтинчалиқдир; ҳа, бизлар қарзга олган бойлик- ларимиз билан керилиб яшаймиз, вале қазо қилганимизда уларнинг баридан мосуво бўламиз;

бинобарин, биз орттирган мол-давлатимиз бўлган фахрланиш ўрнига, боқий мулкимиз бўлмиш — руҳимизни пок сақлаш ҳақида қайғурмоғимиз керак.

106. ЗЕВС ВА ТОШБАҚА

Олий тангри Зевс тўй қилмоқчи бўлибди ва жамики жониворларни бу тўйга таклиф қилибди, Тўйга ҳамма ҳайвонлар келишибди; фақат Тошбақа келмабди. Бунинг сабабини тушунмаган Зевс эртаси куни Тошбақадан, нечун тўйимга фақат сен келмадинг, деб сўрабди. "Ўз уйим — ўлан тўшагим", деб жавоб қилибди Тошбақа. Бундай жавобни эшитиб қаҳри қайнаган Зевс: "Бас, шундай экан, бундан буёки ўз уйингни ўзинг билан олиб юргайсан!" дебди.

Шунингдек, кўп одамлар ҳам бировнинг шоҳона зиё- фатида меҳмон бўлишдан ўз уйларида камтарона кун кечи- ришни афзал кўрадилар.

111. ХЕРАКЛ ВА ПЛУТОС

Херакл Олимпада тангрилар жамоасига қабул қилинганида, Зевс зиёфат беради ва Херакл бу ердаги жамики илоҳларнинг ҳар бири билан самимий эҳгиром ила кўриша бошлайди; лекин бу кўришув охирида олдида Плутос¹ келганида, Херакл ундан юзини тескари ўгиради. Буни кўрган Зевс ҳайрон бўлиб

сўрайди: "Нима учун барча илоҳлар билан очик чехпаття Ушбу масални пули кўп, бадавлат, аммо хулқи ёмон одамларга нисбатан қўллаш мумкин.

119. ПОЛИЗЧИ

Бир Полизчи деҳқон экинларини суғорарди. Шу маҳал бу ерга келган бир одам ундан сўради: "Нима учун бегона ўғлар дуркун ва бақувват ўсадилар-у, биз эккан ўсимликлар заиф ва қилтириқ бўлишади?" Полизчиунгажавобқилди: "Негаки ер уларнинг баъзилари учун - она, бошқалари учун - ўғай онадир".

Она парваришида бўлган болалар билан ўғай она кўлида ўсган болалар ҳам бир-бирларидан худди шундай фарқ қила- дилар.

120. ДЕХҚОН ВА УНИНГ ИТИ

Бир Деҳқоннинг Ити кудукка тушиб кетади. Деҳқон уни олиб чиққани кудукка тушади. Лекин Ит эгасининг нега олдида тушаётганини тушунмайди ва, мени сувга чўктирмоқчи деб ўйлаб, Деҳқонни тишлаб олади. Оғрикка чидай олмаган Деҳқон дейди: "Ажаб бўлди, ҳў бўлди, айб ўзимда: ҳамонки

ўзи оу^{вга} чўкмоқчи экан, нима қилардим уни қутқаришга уриниб?"

Бу масал яхшиликка ёмонлик қилувчи ношукур одам ҳақида.

¹ П л у т о с — фаровонлик тангриси.

122. ЎҒРИЛАР ВА ХҶРОЗ

Бир уйга ўғирликка тушган ўғрилар у ерда битта Хўроз- дан бошқа ҳеч вако топмадилар ва уни тутиб олиб жўнаб қолдилар. Узининг сўйилишини сезган Хўроз ўғриларга ёл- вориб деди: "Худо хайрингизни берсин, мени қўйиб юбо- ринглар. Ахир менинг одамларга кўп фойдам тегади: уларни кечалари уйғотаман, ишга боришсин, деб". Ўғрилар унга дедилар: "Ана шу қилмишинг - одамларни уйғотиб, бизнинг ўғирлик қилишимизга имкон бермаганинг учун ҳам сени сўямиз".

Масалдан ҳисса шуки, яхши одамлар учун фойдали бўлган ҳар қандай амални ёвуз ниятли кишилар манфур иш деб биладилар.

123. ЗОҒЧА ВА ҚАРҒАЛАР

Бир Зоғча ўз қавмидаги бошқа зоғчалардан бўйдорроқ, бўлалироқ эди; шу боис у ўз уруғидан жирканиб, қарғалар жамоаси ҳузурига борди ва улар билан бирга яшамоқчи бўлганини айтди. Аммо Зоғчанинг турқи ҳам, овози ҳам қарғаларга ёт эди, шунинг учун бу қушга рўйхуш бермай, чўкиб-чўкиб ҳайдаб юборишди. Қувилган Зоғча ўз уруғлари олдига қайтиб келди, лекин зоғчалар бу такаббур қушдан нафратланиб, уни жамоаларига қўшмадилар.

Ўзга юртни афзал кўриб, ўз ватанини тарк этган кишилар шу Зоғчага ўхшайдилар: бегона юртда кадр-киммат топ- майдилар, ўз ватанларида эса одамлар улардан юз ўгирадилар.

124. ҚАРҒА БИЛАН ТУЛКИ

Қаердандир бир бўлак гўшт олиб кочган Қарға учиб келиб дарахт шохига кўнди. Уни Тулки кўрди ва дарахт тагига келиб, Қарға тумшугидаги гўшт илинжида, унга: "Оҳ, Қар- ғажон, сен энг улуг, энг гўзал қушсан, аслида, барча парран- даларга фақат сен шох бўлишинг керак эди-ю, лекин овозинг унча жарангдор эмас-да", деб хушомад қила бошлади. Шунда Қарға ўзининг янгроқ овозини Тулкига намойиш қилиш учун тумшугидаги гўштни тушириб юбориб, овозининг борича қағиллай бошлади. Тулки шу заҳоти гўштни илиб олди-да, Қарғага деди: "Эҳ, нодон, агар каллангда яна ақинг ҳам бўлганида эди, бошқа ҳеч нима керак бўлмасди сенга қушларнинг шоҳи бўлишинг учун".

Масал нодон одамлар ҳақида.

129. ЗОҒЧА ВА КАПТАРЛАР

Каптархонадаги Каптарларни яхши боқишаётганини кўрган Зоғча шу қушлар жамоасида яшамоқчи бўлиб, ўзини оқ бўёққа бўяб олди. У товуш чиқармаган чоғда Каптарлар уни ўз тоифаларидан деб билишди, лекин у бир пайт ўзининг каптар эмаслигини унутиб қўйиб, бирдан қағиллаб юборди; шунда Каптарлар Зоғчани таниб қолиб, ораларидан ҳайдаб юбордилар. Каптарлар хўрагидан махрум бўлган Зоғча ўз ҳамжинслари ёнига қайтиб келди; лекин бу оқ патли қушни зоғчалар тан олмай, ёнларига яқин

йўлатмадилар. Оқибат, икки охурдан ем ейишни кўзлаган Зоғча ҳар иккисидан ҳам қувилди.

Бинобарин, бизлар ҳам ўзимизда бориға шукур қил- моғимиз ва очкўзлик туфайли бутун бор-будимиздан мосуво бўлишимиз мумкиютигини >тнутмаслигимиз керак.

132. ИТ ВА ТУЛКИ

Бир овчи Ит шерни кўриб қолиб, уни кувишга тушди. Шер орқасига ўгирилиб бир ўкирган эди, Ит тирақайлаб қоча бошлади. Буни кўрган Тулки деди: "Вой тентак-е, шернинг фақат овозидан кўрқиб қочяпсан-у, ким кўйибди сенга унинг орқасидан кувишни?"

Шундай одамлар бўладики, улар ўзларидан бообрўроқ, қудратлироқ кишиларни ёмонлаб ғийбат қила бошлайдилар, аммо уларнинг дағдағаларини эшитиб, зумда дамлари ичла- рига тушиб жим бўлиб қоладилар. Масал шундай ғийбат- чиларга қарши қаратилган.

133. ГЎШТ ТИШЛАГАН ИТ

Оғзида бир бўлак гўшт билан кўприқдан ўтаётган Ит сувда ўз аксини кўриб қолади. У, бошқа бир ит катта бўлак гўшт тишлаб кегяпти, деб ўйлаб, оғзидаги гўшtdан воз кечади- да, сувдаги ўз аксига ташланади. Натижада, иккала гўшtdан ҳам қуруқ қолади: катта гўшт бўлагини тополмайди, чунки у йўқ эди ва ўз гўштини йўқотиб қўяди, чунки уни сув оқизиб кетган эди.

Бу масал очофат одамларга қарши қаратилган.

134. ИТ БИЛАН БЎРИ

Бир Ит ўз хўжасининг уйи олдида мудраб ётарди; Бўри уни кўриб тутиб олди ва емокчи бўлди. Ит Бўридан бу сафар уни кўйиб юборишни илтимос қилди. "Ҳозир мен озгин, қоксуякман, — деди у, — лекин яқинда хўжайиним тўй қилмокчи, агар ҳозир менга тегмай, тўйдан кейин биққа семирганимда есанг роса маза қиласан". Бўри унинг гапига ишониб кўйиб юборди. Орадан бир неча кун ўтгач, Бўри яна келди. Қараса, Ит энди том бошида мудраб ётибди; Бўри Итга ўзаро тузилган битимни эслатиб, уни пастга тушишга ундай бошлади. Ит эса унга шундай жавоб қилди: "Сенга маслаҳатим шуки, азизим, агар яна менинг уй олдида ухлаб ётганимни кўрсанг, тўй бўлишини кутиб ўтирмай қўяқол!"

Доно одамлар ҳам шундай: бошларига тушган катта хатардан бир марта қутулиб омон қолсалар, кейин умрбод хушёр бўлиб яшайдилар; ахир кўр хассасини бир марта йўқотади, демаганмилар?

137. ЧИВИН ВА БУҚА

Бир Чивин учиб келиб Буқанинг шохига қўнди ва анча вақт шу ерда ўтирди; кейин учиб кетишга шайланиб, Буқадан сўради: "Балки учиб кетмаганим маъқулдир сенга?" Буқа унга жавоб қайтарди: "Эҳ азизим, келиб шохимга қўнганингни ҳам сезмаган эдим, учиб кетсанг ҳам ҳеч нима сезмайман".

Ушбу масални бор ё йўқмилигига ҳеч ким эътибор бермайдиган, ҳеч кимга ҳеч қандай нафи ҳам, зиёни ҳам тегмайдиган кишиларга нисбатан қўллаш мумкин.

138. ҚУЁНЛАР ВА ҚУРБАҚАЛАР

Ўзларининг ўлгудек қўрқоқ эканликларини тушунган Қуёнлар, бу кунимиздан кўра сувга чўкиб ўлганимиз яхши, деган қарорга келадилар ва қўл ёқасидаги жар лабига борадилар; қўлдаги Қурбақалар Қуёнларнинг оёқтовушини эшитишиб, чўчиб кетадилар ва чўлп-чўлп этиб сувга шўнғийдилар. Буни бир қуён кўриб қолади ва ҳамжинсларига: "Шошманглар, биздан ҳам батгарроқ қўрқоқпар бор экан-ку дунёда, шартмикин ўзимизни сувга ғарқ қилиш?" дейди.

Одамлар ҳам шундай: мушкул аҳволдаги кишиларни кўришганда ўз кайғу-ҳасратларини унутиб, қўнгиллари таскин топади.

140. ШЕР ВА ДЕХҚОН

Шер бир Деҳқоннинг қизини севиб қолади ва уйига совчи бўлиб келади. Деҳқон бу ваҳший ҳайвонга қизини беришни ҳам хоҳламас, айти пайтда, унинг талабини рад этишдан ҳам қўрқарди. Мана, у ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келди: Шер қизнинг уйига ҳадеб танда қўяверганидан кейин Деҳқон унга ушбу шартни айтди: "Биламан, сен қизимга муносиб қай- ликсан, албатта, лекин қизимга уйланишингдан олдин сен тишларингни суғуриб олишинг, тирноқларингни кесиб ташлашинг керак, бўлмаса қизим сендан қўрқади". Севгидан телба бўлиб қолган Шер Деҳқоннинг шартига бажонидил рози бўлиб тишлари ва тирноқларини олдириб ташлайди. Ана шунда Деҳқон Шердан қўрқмай қўяди ва у қизга уйлан- гани келганида таёқ билан уриб ҳайдаб юборади.

Масал дейдики, ғанимини дағ-дағ титратган вазоҳати ваҳимали одам, агар душманининг шартига ўйламай-нетмай рози бўлиб, ўзининг энг даҳшатли жиҳатларидан воз кечса, зумда ғанимининг асирига айланади-қолади.

141. ШЕР ВА ҚУРБАҚА

Қурбақанинг қуриллаганини эшитган Шер, бу қандай ваҳимали ҳайвон бўлди, деб овоз келган томонга ўгирилиб қаради. Қараб, эндигина сувдан

сакраб чиққан Қурбақани кўриб, уни эзгилаб ташлади ва деди: "Овоз эмас, вазоҳат кўркинчили бўлади".

Бу масал жаврашдан бошқа ишни билмайдиган маҳмадона одам ҳақида.

142. ШЕР БИЛАН ТУЛКИ

Шер қариб қолди; энди у ўзи ов қилиб қорнини тўйдира олмасди; шунда у айёрлик қилиб кун кечирмоқчи бўлди: у ўз ғорига кириб, гўё касал бўлгандек ётиб олди; шунда ҳайвонлар унинг ҳолидан хабар олгани кела бошладилар, Шер эса уларни тутиб еяверди. Бу орада анча-мунча ҳайвон патарат топди. Ниҳоят, Шернинг найранг ишлатаётганини Тулки сезиб қолди; мана, у ғор оғзига келиб, узокдан туриб, Шердан ҳол-аҳвол сўради. "Аҳволим оғир, - деб жавоб қилди Шер, - ие, нега ташқарида турибсан? Кир ичкарига!" Тулки унга шундай жавоб қилди: "Кирардим-у, лекин қарасам, ғорга йўналган оёқизлари кўп бўлса ҳам ичкаридан чиққан биронта из йўқ".

Ақли бор одам айрим белги ва аломатларга қараб, хавф яқинлигини сезади ва ўзини эҳтиёт қилади.

143. ШЕР БИЛАН БУҚА

Шер баҳайбат бир Вуқани ейишга чоғланиб, уни ширин сўзлар билан ўзига оғдирмоқчи бўлди. У қурбонликка қўй сўйганлигини айтиб, Буқани зиёфатга таюғиф қилди. Нияти — меҳмонни дастурхон ёнига чўк тушган иайтида ейиш эди. Мана, Буқа келди; қараса, дошқозонларда сув қайнаётганмиш, бир қанча узун-узун сихлар ҳам кабоб қилишга шаймиш-у, аммо қўйдан дарак йўқмиш. Буқа бу ҳолни кўрди-ю, чурқ этмай, орқасига қайтиб кета бошлади. Шер ундан ўпқаланиб: "Нима, бирон гап билан дилингни оғритдимми, нега индамас- дан орқанга қайтиб кетяпсан?" - деди. Буқа жавоб берди: "Бундай қилишимга сабаб бор: қарасам, бу ерда қурбонликка қўй эмас, буқа аталган кўринади".

Масалдан ҳисса шуки, ёвуз кишилар қанча уриниш- масин, ўз найрангларини доно одамлар назаридан яшира олмайдилар.

145. ШЕР БИЛАН ДЕЛЬФИН

Денгиз бўйида айланиб юрган Шер тўлқинлар ичра ўйноқ- лвб сузаётган Дельфинни кўриб, кел, бир-биримиз билан иттифок тузайлик, деб таклиф қилди унга. "Сен денгиз ҳайвонлари подшосисан, - деди Шер, - мен эсам замин ҳайвонлари подшосиман, бас, шундай экан, ўзаро дўст, иноқ бўлиб яшасак яхши эмасми?" Бу таклифни Дельфин бажо- нидил қабул қилди. Орадан бир неча кун ўтиб, Шер бир ёввойи буқага рўпара келди ва у билан олиша бошлади. Ўлжасини енга олишига кўзи етмаган Шер наъра тортиб, Дельфиндан ёрдам сўрай бошлади. Дельфин дўстига ёрдам бериш учун қуруқликка чиқмоқчи бўлди, аммо чика олмади; шунда Шер уни хиёнаткор

деб айблай бошлади. Дельфин унгажавобан деди: "Сен айбни менга эмас, мени курукликка чиқа олмайдиган денгиз хайвони этиб яратган табиатга қўй".

Шунингдек, бизлар ҳам бошимизга оғир мусибат туш- ганида ёрдам қўлини чўза оладиган одамлар билангина дўст тутинмоғимиз керак.

146. СИЧҚОНДАН ЧЎЧИГАН ШЕР

Ухлаб ётган Шернинг башарасидан бир сичкон пилдираб ўтиб кетади. Шер сакраб туриб кетиб, ким юзимга тегди, дегандек атрофга аланглаб қарайди. Буни кўрган тулки: "Сени кара-ю, кимсан Шер бўлатуриб сичқондан кўрқиб кетдинг-а!" — деб Шерни мазах қилади, "Йўқ, мен сичқондан кўрққаним йўқ, — деб жавоб қилади Шер, - балки унинг сурбетлиги ғазабимни қайнатди".

Бу масал, ақлли одамлар ҳатто икир-чикир нарсаларга ҳам бефарқ қарамайдилар, демоқчи.

147. ШЕР БИЛАН АЙИҚ

Шер билан Айиқ бир ёш буғуни тутиб олишди ва уни талашиб жанг бошлашди. Улар то силлалари куриб, кўзлари тингунчажон-жаҳдлари билан олишиб, ахийри ҳолдан тойиб йиқилиб қолишди. Шу маҳал бу ердан ўтиб кетаётган тулки буғу жасадининг икки ёнида чўзилиб ётган Шер билан Айикни кўрди ва уларнинг беҳоллигидан фойдаланиб буғуни судраб олиб қочиб кетди. Шунда қимирлашга ҳам мадорлари қолмаган Шер билан Айик: "Шўримиз курисин! Бундан чиқди, ҳали биз тулки учун тер тўкиб ҳаракат қилган эканмиз-да?" дейиш- ди.

Ахир, юрганники эмас, буюрганники, деб бекорга айтишмаган-да!

148. ШЕР БИЛАН ҚУЁН

Бир куни Шер ухлаб ётган Қуённи гопиб олди ва уни емоқчи бўлиб, энди оғзига олиб борган эди, шу пайт кутил- маганда унинг ёнгинасидан бир буғу югуриб ўтди. Шер Қуённи ташлаб, буғу орқасидан кува кетди, лекин минг қувлагани билан унга ета олмади ва, топган Қуёнимдан қўймасин, деб орқасига қайтиб келди. Лекин Қуён уйғониб, аллақачон жуфтакни ростлаб қолган эди. Шунда Шер Қуён- дан ҳам айрилганини кўриб, деди: "Минг лаънат! Узоқцаги ўлжани деб, қўлимдагисини қўйвориб ўтирибман мен, аҳмоқ!"

Баъзи одамлар ҳам шундай: доимо келиб турган мўътадил даромадга қониқмай, каттароқ ўлжага кўз тикадилар ва бор бойликларидан ҳам мосуво бўладилар. Ваҳоланки элда, узоқнинг хазинасидан яқиннинг насибаси яхши, деган доно гап бор.

149. ШЕР, ЭШАК ВА ТУЛКИ

Шер, Эшак ва Тулки ҳамжихат бўлиб яшашга қарор қилишди ва биргаликда ов қилгани равона бўлишди. Уларнинг овлари бароридан келиб, бир талай ўлжа тўплашди. Шер ўлжани тақсимлашни Эшакка буюрди. Эшак

Ўлжани тенг учга бўлди ва Шерга, танла, деб айтди. Ғазаби қайнаган Шер Эшакни ғажиб еб қўйди ва энди ўлжани бўлишни Тулкига буюрди. Тулки жамики ўлжани бир тўп қилиб уйди, ўзига эса, қиттаккина нарса қолдириб Шерга, танла, деб айтди. Шунда Шер Тулкидан: "Ўлжани бундай яхши тақсим-лашни кимдан ўргандинг?" деб сўради. "Марҳум Эшакдан", деб жавоб қилди Тулки.

Бинобарин, яқин кишиларининг бошига тушган бахт-сизлик одамлар учун сабоқ бўлар экан.

150. ШЕР ВА СИЧҚОН

Бир Сичқон ухлаб ётган Шернинг устидан пилдираб ўта бошлади. Шер уйғониб кетиб, Сичқонни тутиб олди ва уни емоқчи бўлди. "Сен, яхшиси, мени қўйиб юбор, — деб ёлворди Сичқон, — кези келганда мен ҳам бу яхшилигинг учун сени фалокатдан қутқараман". Шер бу гапни эшитиб, хахолаб қолди ва Сичқонни қўйиб юборди. Лекин орадан бир оз вақт ўтгач, Сичқон, чиндан ҳам, Шерга берган сўзининг устидан чиққи — уни бир ўлимдан асраб қолди. Гап шундаки, Шер овчилар тузоғига илиниб қолган ва улар Шерни арқон билан дарахтга боғлаб қўйишган эди; Шернинг нола чекиб ўқирганини Сичқон эшитиб қолди ва дарҳол унинг олдига югуриб келди-да, арқонни кемириб, Шерни тузоқдан озод қилди. Сўнг деди: "У кун устимдан қулган эдинг — сенга яхшилик қилишимга гўё ишонмагандай. Мана, энди Сичқон ҳам миннатдорлик билдиришга қодир эканлигини билиб олдинг".

Бу масал, баъзида энг қудратли, забардаст одамлар ҳам, тақдир тақозоси билан, энг заиф кишилар ёрдамига муҳтож бўлишлари мумкинлигини кўрсатади.

151. ШЕР БИЛАН ЭШАК

Шер билан Эшак биргаликда яшашга қарор қилишди ва овга кетишди. Улар ёввойи тоғ эчкилари яшайдиган ғорга келишди. Шер ғор оғзида туриб ичкаридан қочиб чиқаётган эчкиларни тутиб оладиган бўлди; Эшак эса ғор ичида бор овози билан ханграб эчкиларни чўчитиб қува бошлади. Мана, Шер бир талай эчкини тутиб олди, шунда ғордан чиққан Эшак: "Қалай, зўр бўлдимиз жангим, боппладимми эчкиларни қувишни?" деб мактанди. Шер унга жавоб қилди: "Вой, бўлмасам-чи! Ўзим ҳам ваҳимага тушиб қочган бўлардим, агар ханграётган сен - Эшак эканингни билмаганимда".

Мақтанчоқлик дардига учраган одам ҳам баъзида бу дардидан хабардор бўлган дўстлари олдида мактана бошлайди ва уларга қулги бўлади, албатта.

152. ҚАРОҚЧИ ВА ТУТ ДАРАХТИ

Қароқчи катта йўлда бир одамни ўлдирди; буни кўрганлар унинг орқасидан қува бошлайдилар; ҳаммаёғи қонга беланган қароқчи ўликни тунашга улгурмай, оёғини қўлга олиб қочади. Йўлда учраган одамлар ундан: "Нега қўлларинг қон?" деб сўрайдилар. "Тут дарахтига чиқаётганимда қонаб

кетди", деб жавоб қилади қароқчи. Бу аснода уни таъкиб қилаётганлар етиб келишади ва тутиб шу ердаги Тут дарахтига осишади. Шунда Тут тилга кириб, Қароқчига дейди: "Сени қатл этишларида дор бўлиб хизмат қилганим учун афсус-ланмайман, зеро сен одам ўлдирдинг, бу ҳам етмагандек, ўз айбингни менга ағдармоқчи бўлдинг".

Табиатан окқўнгил, меҳрибон бўлган одамлар ҳам кўпинча тухмат гапни эшитганларида дарғазаб бўлиб кетадилар.

153. БЎРИЛАР ВА ҚЎЙЛАР

Бўрилар Қўйларни таламоқчи бўлиб кўп ҳаракат қилиш-ди, лекин эплай олишмади, чунки Қўйларни соқчи итлар қўриқлар эдилар. Шунда Бўрилар ўз ниятларига етиш учун найранг ишлатмоқчи бўлдилар: улар Қўйлар олдида элчи юбордилар. "Итларингизни бизга беринг, — деб таклиф қилди элчи, — ахир сизлар билан бизларнинг ўртамизда ацоват пайдо бўлишига шу итлар сабабчи-ку. Агар уларни бизга берсангиз, кейин ҳаммамиз тинч-тотув яшаган бўлардик". Бефаҳм Қўйлар оқибати нима бўлишини ўйлаб ҳам ўтирмай, итларини Бўриларга топширдилар. Ана шунда Бўрилар ҳимоясиз қолган Т<ўй>ларни осонгина тутиб еявердилар.

Ўзидаги халқ сардорларини ҳеч бир монелик кўрсатмай душман қўлига топширувчи давлатлар ҳам шунақа: орадан сал вақт ўтар-ўтмай, қутилмаганда, улар лушманга тобе бўлиб қолганларини сезмай қоладилар.

154. БЎРИ БИЛАН ОТ

Далада тентираб юрган Бўри бир арпазорга бориб қолди. Арпа унинг емиши^эмас эди, шу боис тескари бурилиб, ўз йўлида кетаверди. Йўлида у дафъатан бир Отни учратди ва уни арпазорга бошлаб келиб, деди: "Қара, қанча арпа, ўзим емай сенга илиндим, чунки отларнинг "қасир-қусир" қилиб арпа ейиши қулоғимга жуда ёқади-да. Унга жавобан От деди: "Йўқ, биродар, агар бўрилар арпани тамадци қила олганларида, сен қулоғингнимас, қорингни қувонтирган бўлардинг".

Масал демоқчики, табиатан нобакор ва сохтадил кишилар-нинг сўзларига ҳеч ким ишонмайди.

155. БЎРИ БИЛАН ҚЎЗИЧОҚ

Бўри анҳордан сув ичаётган Қўзичоқни кўриб қолди ва қулай бир баҳона билан уни емоқчи бўлди. Мана, у оқимнинг юқорироғида туриб олиб: "Ҳей, сувни лойқалатма, мен ичолмаяпман", деб Қўзичоқни қойий бошлади. Қўзичоқунга жавобан деди: "Мен сувга лабимнинг учинш ина теккизяпман, ундан кейин, қанақасига лойқалатай сувни, ахир мен сиздан пастроқца турибман-ку". Қўзичоққа айб қўя олмаган Бўри деди: "Эсингдами, ўтган йили сен менинг отамни бўралаб сўккан эдинг!" - "Вой, нима деяпсиз ўзи, ўтган йили мен ҳали туғилмаган эдим-ку", деди Қўзичоқ. Қўзлаган ияти амалга

ошмаган Бўри: "Бўлди, бас, - деди, - ўзингни оқлашга уста бўлсанг ҳам барибир ейман сени!"

Масат дейдики, бирон ёвузликни олдиндан кўзлаб қўйган одамни ҳеч қандай адолатли оқлов далили ҳам шум ниятидан қайтара олмайди.

156. БЎРИ БИЛАН ҚАРҚАРА

Бўрининг томоғига суяк тиқилиб қолди ва у ўзига ёрдам берадиган бирон жонзоғни қидира бошлади. Мана, у бир Қарқарани учратиб қолди ва унга, агар томоғимга тиқилган суякни тортиб олсанг, сени яхши бир тухфа билан хурсанд қиламан, деди. Қарқара узун тумшугини Бўрининг оғзига тиқиб, суякни тортиб олди ва ундан ваъда қилинган тухфани талаб қилди. Бўри унга шундай жавоб қилди: "Бўри оғзидан бошингни омон тортиб олганингта шукур қилсанг-чи, нодон — яна қанақа тухфа керак сенга?"

Масал демоқчики, бадният кишилар агар бировга ёмон-лик қилмасалар, бу қилмишларини саховат деб ҳисоблайдилар.

157. БЎРИ БИЛАИ ЭЧКИ

Бўри теран жар лабида ўтлаб юрган Эчкини кўриб қолди; у Эчкининг олдига чиқолмасди, шунинг учун уни пастга тушишга ундаб деди: "Жар ёкаси хатарли, фалокат босиб йиқилиб тушишинг мумкин; бу ерда, пастда ям-яшил дала, барра ўтлар, мазза қиласан". Лекин Эчки унга бундай жавоб қилди: "Йўк, гап пастдаги ўтлоқдаўтлаш "мазза" эканлигида эмас, балки сенинг қорнинг очлигида. Зеро, сен менинг эмас, ўз қорнингнинг ғамини еяпсан".

Ҳаётда ҳам шундай, ёмон ниятли кишилар, агар оқил одамларга бирор бир ёвузлик қилмоқчи бўлсалар, кўзлаган барча макру хийлалари, барибир, албатта фош бўлғай.

158. БЎРИ ВА КАМПИР

Егулик ўлжа қидириб изғиб юрган қорни оч Бўри бир уй олдига келганида ичкаридан гўдак боланинг чинкириб йиғлаганини ва Кампир бувисининг: "Бўлди, бас қил, бўл-маса, сени Бўрита бериб юбораман!" деб қўрқитаётганини эшитиб қолди ва, Кампирнинг гапи ростга ўхшайди, деб ўйлаб, болани унга ташлашларини куга бошлади. Кеч кириб, қоронғи тушди, лекин Кампир хануз ваъдасини бажармасди; бир пайт ичкаридан Кампирнинг овози эшитилди: "Вой, ўзим ўргилай эркатойимдан, нега энди сени Бўрига берарканман, ундан кўра, ўзимиз тугиб олиб ўлдирамыз ўша Бўрини!"

Бу гапни эшитган Бўри тезроқбу ердан жуфтакни роетлаб нари кетаркан деди: "Бу уйда бетайин одамлар яшаркан - айтган гаплари бошқа-ю, қиладиган ишлари унингтескариси".

Бу масал гапи билан қилаётган иши бир-бирига зид бўлган одамлар ҳақида.

160. БҶҮРИ ВА ҚҶҲ

Итларга таланиб чалажон бўлиб ётган Бўрининг ўзига бирон егулик ўлжа излашга ҳам мадори қолмаган эди. Мана, у нарирокда ўтлаб юрган бир Қўйни чакириб, ундан шу ердаги жилгадан сув олиб келиб беришни илтимос қилди ва деди: "Менга фақат сув берсанг бўлгани, овқатни ўзим топиб ейман". Лекин Қўй унга шундай жавоб қилди: "Агар сенга сув берсам, ундаўзим сенинг овқатинг бўламан".

Масал маккорлик ва мунофиқлик билан иш кўрувчи муғамбир одамларни фош қилади.

161. ФОЛБИН

Фолбин бозор майдонида ўтириб олиб, одамларга фол очар ва шу йўл билан пул топарди. Бир пайт унинг олдида ҳовликиб югуриб келган одам бакириб деди: "Ҳей Фолбин, ўғрилар эшигингни бузиб кириб, уйингдаги ҳамма мол- давлатингни ўғирлаб кетишди". Ваҳимага тушган Фолбин сакраб ўрнидан туриб кетди ва бозорни бошига кўтариб дод солганча уйи томон югуриб кетди. Уни йўлда учратган бир одам сўради: "Эй биродар, ўз уйингда нималар бўлаётганини билмас экансан-у, қандай қилиб ўзгалар ҳаётида юз бериши мумкин бўлган ишларни башорат қила оласан?"

Шундай одамлар бўладики, ўзлари қандай яшаш лозим- лигини билмайдилар-у, бошқаларга ақд ўргатмоқчи бўладилар. Бу масал ана шундай ношуд кимсалар ҳақида.

163. АСАЛАРИЛАР ВА ЗЕВС

Асаларилар ўз асалларини одамлардан қизғанишарди. Шу боис бир куни улар Зевс ҳузурига келиб: "Ё олий тангримиз, бизга шундай қудрат ато этгилки, уяларимиздаги асалимизни олмоқчи бўлган кимсаларни ўз нишларимиз билан маҳв эта олайлик", деб илтижо қилдилар. Зевс ўз бандаларига меҳрибон эди, бинобарин у ёмон ниятда бўлган Асаларилардан ғазаб- ланиб, шундай қилдики, улар бирон кимсани чакқанларида, нишларидан айриладиган ва ўзлари ҳам шу заҳоти жон таслим қиладиган бўлдилар.

Бу масал қизғанчиқлик қилиш оқибатида ўзлари бало- қазога учраб қолувчи одамларга қаратилган.

165. СИЧҚОНЛАР ВА СУВСАРЛАР

Сичқонлар билан Сувсарлар ўртасида уруш борар эди ва Сичқоилар мағлубиятга учраётган эдилар. Мана, бир куни уллар йиғилишиб, жангда ютқазаётганимизга сабаб — бизга раҳбарлик қиладиган саркардалар йўқ, деб айтишди ва ўз ичллридан лашкарбошилар сайлашди. Бу лашкарбошилар жанпоҳаа савлатлироққўриниш ваўз аскарларидан ажралиб туриш учун

бошларига шохлар боғлаб олдилар. Жанг бош- л.н I) 1п на Сичқонлар яна мағлубиятга учрадилар. Шунда оддий аскариар дарров ин-инларига кириб берКиниб олдиЯйр, аммо л а 111 к а рбош илар бошл арига боғлаган шохлар туфайли инларига қочпб киролмадилар ва Сувсарларга ем бўлдилар.

Масалдан ҳисса — шуҳратпарастлик кўп одамларга бахт- сичлик келтиради.

166. ЧУМОЛИ

Бир замонлар Чумоли одам бўлган ва ғаллакорлик билан шуғулланган экан, лекин ўз меҳнати билан етиштирган ҳосилга қаноат қилмай, бошқа деҳқонларга доим ҳасад қилар ва уларнинг ғаллаларини ўғирлар экан. Шунда тангри Зевс бу ебтўймас, очкўз одамнинг кинғир ишларидан дарғазаб бўлиб, уни ҳозир биз Чумоли деб юритувчи ҳашаротга айлантирган эка11. Аммо у энди бошқача қиёфага кирган бўлишига қарамай, феъли ўша-ўшалигича қолибди: ҳали ҳам уззукун далама- дала кезиб, хирмонлар ва омборхоналардан бўғдой, арпа донларини ўз инига ташиб ғамлаш билан овора.

Масал дейдики, табиатан қурумсоқ бўлиб яралган одам ўла-ўлгунича тузалмайди.

169. ИШРАТПАРАСТ ВА ҚАЛДИРҒОЧ

Бир ишратпараст йигит бутун бойлигини маишатга сарфлади; ахийри унинг эғнидаги чопонидан бўлак ҳеч вақоси қолмади. Шунда у анча барвақт учиб келган бир Қалдирғочни кўриб қолди-да, мана, ёз ҳам келибди, деб ўйлаб, чопонини бозорга олиб бориб сотиб юборди. Лекин ҳали киш тугамаган эди, яна аёзли кунлар бошланди. Бир куни йигит совуққан дағ-дағ қалтираб кўчада тентираб юрганида ерда ўлиб ётган Қалдирғочни кўриб қолди ва унга қараб деди: "Сени кара-ю! Ўзингниям, мениям хароб қилдинг-а!"

Ушбу масал бемаврид қилинган ҳар қандай иш хатарли бўлишини билдиради.

173. ЁҒОЧ КЕСУВЧИ ВА ҲЕРМЕС

Бир Ёғоч кесувчи одам дарё бўйида ўтин тайёрлаётган экан, бехосдан қўлидаги болтаси сувгатушиб кетибди. Бундан қаттиқ хафа бўлган ўтинчи сув бўйига ўтириб олиб йиғлай бошлабди. Тангриячр маъбуд Ҳермеснинг унга раҳми келибди

ва олдига келиб, нима учун йиғлаётгани сабабини сўраб билибди. Сўнг у дарёга шўнғиб олтин сопли болта олиб чиқибди ва Ёғоч кесувчидан, шуми болтанг, деб сўрабди. Ёғоч кесувчи, йўқ, бу болта меники эмас, деб жавоб қилибди. Ҳермес дарёга яна шўнғиб, энди кумуш сопли болта олиб чиқибди ва, йўқотган болтанг бу эмасми, деб сўрабди. Ёғоч кесувчи бу болтани ҳам тан олмабди; шунда Ҳермес учинчи марта шўнғиб, ёғоч сопли болта олиб

чикибди. Бу сафар Ёғоч кесувчи ўз болтасини дарров танибди. Шунда Ҳермес Ёғоч кесувчининг диёнатли, ҳалол одам эканлигини кўриб, унга учала болтани ҳам тухфа этибди. Ёғоч кесувчи йигит Ҳермес тухфаларини олиб ҳамкасб ўртоклари олдига борибди ва ҳамма бўлган воқеани сўзлаб берибди. Бир ўтинчининг унга хаваси келиб, у ҳам дўстига тақлид қилмоқчи бўлибди; у болтасини кўлига олиб, дарё бўйига борибди ва у ерда дарахт кеса туриб, атайин болтасини сувга тушириб юборибди. Кейин сув бўйига ўтириб йиғлай бошлабди. Шунда Ҳермес пайдо бўлиб ундан, нима бўлди, нега йиғлаяпсан, деб сўрабди. Дарахт кесувчи йигит болтаси йўқолиб қолганини айтибди. Ҳермес унга сувдан олтин сопли болта олиб чиқиб, йўқотган болтанг шу эмасми, деб сўрабди. Ўтинчи йигитнинг хасислиги кўзиб: "Ҳа, ҳа, шу менинг болтам", дебди. Лекин маъбуд Ҳермес бу ўтинчига ёлғончилиги учун совға ҳам тақдим этмабди, ўзининг болтасини ҳам қайтариб бермабди.

Масалдан ҳисса шуки, худо^ВИ*Диёнатли, номусли одам- ларга қанчайхшилиқ қилсалар, бетавфиқ, беდიёнат кишиларга нисбатан шунча ёмонликни раво ВДЙИЙИИ^

174. ЙЎЛОВЧИ ВА ТАҚДИР

Йўловчи узоқ йўл юриб қаттиқ чарчади ва бир кудук яқинига келиб, ўзини таипа ерга отдию пинакка кетди; кейин уйкусираб ағдарилди-да, сал бўлмаса кудукка тушиб кетаёзди. Шу чоғ тепасига келган Тақдир унга деди: "Эй биродар, агар ҳозир беҳосдан кудукка тушиб кетганингда эди, ўзинг- данмас, мендан нолиган бўлардинг!"

Кўпчилик одамлар ҳам шунақа: қилғилиқни ўзлари қилиб қўядилар-да, доим тангриларни айблайдилар.

175. ЙЎЛОВЧИЛАР ВА ЧИНОР ДАРАХТИ

Бир гуруҳ йўловчилар саратонда туш пайтида жазирама иссиққан лоҳас бўлиб оёқларини зўрға судраб борардилар. Шу пайт йўлларида бир Чинор дарахти учраб қолди. Улар шу дарахт тагига келиб, соясида ётиб дам ола бошладилар. Бир оздан сўнг сал ўзларига келишгач, тепаларидаги Чинорга қараб бир-бирлари билан гурунглаша бошладилар: "Қара, тоғдек бўйи бор-у, қисир дарахт: мева бермайди, фойдаси ҳам тег- майди одамларга!" Чинор уларга жавобан деди: "Эй ношукур бандалар, ўзларинг-ку менинг соямда ётиб хордиқ чиқаряп- санлар. Бас, шундай экан, фойдаси йўқ, мева бермайди, деб мендан нолиганларинг инсофданми?"

Баъзи одамлар ҳам шунақа омадсиз бўладилар: улар одам- ларга қанча яхшилиқ қилишмасин, ҳеч ким миннатдорлик билдирмайди.

176. ЙЎЛОВЧИ ВА ИЛОН

Бир Йўловчи қиш пайтида кетатуриб, совуққотиб сулайиб ўлар ҳолда ётган Илонни кўриб қолади ва раҳми келиб, уни қўйнига солиб исинтира бошлайди. Илон совуқ қотган

пайтида Иўловчиниинг қўйнида жимгина ётади, аммо исиниб жони кирганидан кейин ўз халоскорининг қорнини чакиб заҳарлайди. Иўловчи жони узилар экан, дейди: "Айб ўзимда ахир тириклигида кўрганимда ҳам янчиб ўлдиришим керак булган бу газандани сулайиб ётганида кутқариб нима қилар- дим - ўлса ўлиб кетавермасмиди!"

Масал дейдики, ичикора, қилмиши фақат ёвузлик бўлган одамларга қанча яхшилик қилма, ундайлар, барибир, яхши- ликка ёмонлик қилаверади.

178. ЙЎЛОВЧИ ВА ҲЕРМЕС

Узоқ сафарга чиққан Йўловчи, агар шу сафарим чоғида иулда бирон буюм топсам, ярмини маъбуд Ҳермесга бахш этардим, деб аҳд қилган эди. Мана, у йўлда бир халта топиб олди ва, ичида пул бўлса керак, деб шоша-пиша унинг ичидаги нарсани ерга тўкди. Халтада бир ҳовуч бодом билан бир нечта хурмо бор экан; Йўловчи уларнинг ҳаммасини еди суиг бодомнинг пўчоғини ва хурмонинг данакларини йўл ёқасидага меҳробга қўяркан деди: "Мана, Ҳермес, топилмам- нинг сенга бахш этмоқчи бўлганим ярми: ҳам сиртидагини ҳам ичидагини баҳам кўряпман сен билан".

Бу масал ўз манфаатини кўзлаб тангриларни ҳам алдашдан узини тия олмайдиган зикна одамлар ҳақида.

182. УСТИГА ҲАЙКАП ОРТИЛГАН ЭШАК

Бир одам Эшаги устига тангрилардан биринингхайкалини тургазиб Қўйиб шаҳарга йўл олди. Йўлда учраган одамлар Эшак устидаги тангри хайкалини кўриб, эгилиб таъзим қила бошлади; Эшак, бу одамлар менга таъзим қилишяпти деб ўйлаб ғурурланиб кетди ва баралла овози билан ҳанграй бошлади, сўнг тихирлик қилиб бир ерда оёқ тираб туриб олди. Эшак эгаси гап нимада эканини тушунди ва уни таёқ билан савалар экан, деди: "Вой, хомкалла-е! Энди шу етмай турганди: нима, художўй одамлар келиб-келиб сен - Эшакка таъзим қилишарканми? "

Масал дейдики, бегоналар хизматини ўзиники деб кери- лувчи одамлар ўз танишлари олдида кулги бўлғайлар.

186. ЭШАК ВА УНИНГ ЭГАСИ

Бир одам йўлда Эшагини ҳайдаб кетаётган эди, Эшак- нинг жини кўзидими, бирданига катта йўлдан четга бурилиб, тўғри рўпарадаги чуқур жар томон югуриб кетди; шу кетишда унинг жарга кулаши аниқ эди. Эгаси унинг думидан ушлаб оркага торгмоқчи бўлди, лекин қайсар эшак оёқтираб туриб олди. Шунда эгасининг ҳафсаласи пир бўлиб, Эшакнинг думини қўйиб

юборар экан, деди: "Э, билганингни қилмай- санми! Ахир ўзингга ёмон бўлади-ку, аҳмоқ!"

Бу масал қайсар одам ҳақида.

187. ЭШАК БИЛАН БҶРИ

Яйловда ўтлаб юрган Эшак ўзи томон югуриб келаётган Бўрини кўриб қолди ва дарҳол оқсоқлана бошлади. Бўри келиб ундан, нега оқсоқланипсан, деб сўради. Эшак унга жавоб қилди: "Э, сўрама, четан девордан ҳатлаб ўтаётган эдим, фалокат босиб, оёғимгазирапча кириб кетса бўладими... Биламан, ҳозир сен мени ейсан; илтимос, олдин зирапчани суғуриб ол, тагин томоғингга тикилиб қолмасин". Бўри унинг гапига ишонди; Эшак оёғини кўгарди, Бўри эса синчковлик билан Эшакнинг туёғини кўздан кечира бошлади. Шунда Эшак пайт пойлаб туриб Бўрининг жағига чунонам тепдики, йиртқичнинг ҳамма тиши дув тўкилиб тушди. Оғриққа чидол- маган Бўри нола қилиб деди: "Шўргинам курсин менинг! Ахир отам мени қассобликка ўргатган эди-ку - табиблик қилишимга бало бормиди!"

Баъзи одамлар ҳам шундай: ўзлари уддалай олмайдиган ишга қўл урадилар-да, фалокатга учрайдилар.

191. ЭШАК, ТУЛКИ ВА ШЕР

Эшак билан Тулки дўст тутинишди ва ов қилгани бирга- ликда йўлга чиқишди. Йўлда уларнинг рўпарасидан Шер чиқиб қолди. Шунда Тулки катта хатарга учрашлари мумкин- лигини сезиб, Шер олдига югуриб борди ва унга, агар менга тегмасанг, Эшакни сенга илинтириб берардим, деб ваъда қилди. Шер Тулкини қўйиб юборишга сўз берди; шунда Тулки Эшакни бошлаб келиб Шернинг домига илинтирди. Эшакнинг энди ҳеч қаёққа кета олмаслигини кўрган Шер олдин Тулкини тилка-пора қилиб еди, сўнг Эшакка таш- ланди.

Яқин дўстларига ёмонлик қилган одамлар ҳам кўпинча ўз бошларига бало орттираётганларини сезмай қоладилар.

192. ТОВУҚ ВА ҚАЛДИРҒОЧ

Товуқ илон қўйиб кетган тухумларни топди ва ўзи уларни босиб ўтириб бола очирмоқчи бўлди. Мана, тухумлар бирин- кетин чирс-чирс ёрила бошлади. Буни кўриб қолган Қалдирғоч Товуққа деди: "Вой, овсар-е! Нима қилардинг бунақа болаларни очириб; ахир сал катта бўлишса, даставвал сенинг бошингни ейдилар-ку булар!"

Масал дейдики, бадният кишиларга қанча кўп ҳиммат ва хайру саховат кўрсатма, барибир улар шум ниятларини ташламайдилар.

200. ЎҒРИ БОЛА ВА УНИНГ ОНАСИ

Бир бола мактабда ўртоғининг дарс ёзадиган тахтакачини ўғирлаб онасига олиб келиб берди. Онаси уни уришиш ўрнига мақгади. Шундан

кейин бола кимнингдир жуббасини ўғирлаб олиб келди; онаси жуббани мамнуният билан қабул қилди. Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, бола йигит бўлди. Энди у йирикрок, қимматроқ нарсаларни ўғирлай бошлади. Ниҳоят, уни жиноят устида қўлга олдилар ва қўлларига кишан солиб қатлгоҳга олиб кетдилар. Онаси унинг орқасидан ўз кўкра- гига муштлаб, сочларини юлиб, фарёд чекиб борди. Шунда ўғил онасининг кулоғига бир гап айтмоқчи бўлиб, уни ёнига чақирди; онаўғлигаякин келди, ўғил онасининг кулоғидан ғарчча тишлаб узиб олди. Онаси: "Бадбахт бола, шунча қилган жиноятларинг етмагандай, энди ўз тукқан онангнинг ҳам жонига қасд қиляпсанми?" деб уни койиди. Бола онасининг сўзини эшитишни хоҳламай, шундай деди: "Агар сен, она, биринчи марта тахтакач ўғирлаб келганимда мени койиб тўғри йўлга солганимда эди, бугунги машъум аҳволга тушмасдим ва мени қатлгоҳ сари олиб бормаган бўлура эдилар".

Масалдан хисса: агар гуноҳ ишнинг олди аввал бошдан олинмаса, у бора-бора зўрикиб, фалокат домига тортиши мумкин.

205. БОЙЛАР ВА ГҲЯНДАЛАР

Бир бойнинг икки қизи бор эди. Улардан бири ўлиб қолди; Бой қизига аза тутиб йиғлаш учун Гўянда аёлларни ёллади. Иккинчи қиз онасига деди: "Биз шўрликларга қийин бўлди, опамиз ўлиб теран ғамга ботганмиз-у, йиғлай олмаймиз, лекин анави Гўяндалар бизга етти ёт бегона бўлишса ҳам кўкракларига мушт уриб, жон-жаҳдлари билан ўқсиб-ўқсиб йиғлашяпти". Она қизига деди: "Сен уларнинг бунчалик ўқсиб йиғлашига ажабланма, қизим: биз уларга пул тўлаймиз йиғлаганлари учун".

Тўғри, шундай тамагир одамлар ҳам бўладики, улар биров- нинг ғамга ботганидан фойдаланиб, ўз манфаатларини кўз- лайдилар ва ҳар қандай номақбул ишни қилишдан ҳам қайтмайдилар.

210. ҲАЗИЛКАШ ЧЎПОН

Бир Чўпон ҳар куни қўйларини қишлоқдан анча нарига ҳайдаб бориб ўғлатарди ва кўпинча ҳазил қилиб, гўё қўйларига бўрилар ҳужум қилгандай, дод солиб қишлоқ аҳлини ёрдамга чақирарди. Икки-уч марта деҳқонлар ваҳимага тушиб чўпон- нинг олдига югуриб боришди, лекин унинг ҳазил қилганини эшитиб, ҳафсалалари пир бўлиб уйларига қайтиб кетишди. Ниҳоят бир куни бўри чиндан ҳам бостириб келиб, қўйларни бўғиб ўлдира бошлади. Чўпон айюҳаннос солиб одамларни ёрдамга чақирди, лекин деҳқонлар, бу чўпон тушмагур яна ҳазил қиляпти шекилли, деб унинг дод-войига парво қилмадилар. Чўпон бир сурув қўйдан ана шу ҳазилкашлиги туфайли жудо бўлган эди.

Масалнинг таъбирича, ёлғончи одам бунақада фақат бир нарсага эришади, яъни энди рост гапирса ҳам ҳеч ким унга ишонмайди.

211. ЧЎМИЛАЁТГАН БОЛА

Дарёда чўмилаётган бир Бола сувга чўка бошлади ва соҳилда кетаётган бир одамни кўриб уни ёрдамга чақирди. Лекин бу одам ўйламай-нетмай чуқур дарёга чўмилгани тушгани учун Болага танбех бера бошлади; Бола унга бундай деди: "Сиз олдин менга ёрдам бериб сувдан тортиб олинг, ана ундан кейин бемалол қийиwerинг".

Масал дейдики, бемаврид таибех берган одамнинг ўзи панд еб қолиши ҳам мумкин.

218. МАЙМУННИНГ БОЛАЛАРИ

Дейдиларки, маймунлар ҳар гал иккитадан бола туғар- канлар, битга боласини улар ардоқлаб, яхшилаб парвариш қиларкднлару иккинчи боладан йирганиб, ҳолидан хабар олмай қаровсиз қолдирарканлар. Шунга қарамай, қандайдир илоҳий қисматнинг хоҳиш-исташ билан папалаб парвариш қилинган бола ёшлигида ўлиб кетаркан, аммо қаровсиз бўлган бола ўлмай катга бўларкан.

Масал дейдики, қисмат ҳар қандай меҳрибонона парва- ришдан қудратлироқцир, зеро халқхикматларида: "Аяган кўзга чўп тушар" ва "Ташлаганга тош тегмас", деб бекорга айтил- маган-да.

219. ТОВУС БИЛАН ЗОҒЧА

Жами паррандалар катта машваратга йиғилиб, ўзларига подшоҳ сайламоқчи бўлдилар. ШундаТовус, мени сайланглар, мен чиройлиман, деб татаб қила бошлади. ВСушлар уни сайлашга рози ҳам бўла бошлаган эдилар, шу пайт Зоғча сўз олиб, деди: "Агар сен подшоҳбўлсангу дафъатан бизларга бургуг ҳамла қилиб қолса, қандай ҳимоя қиласан ҳаммамизни?"

Масалдан хисса шуки, ҳукмдорларни хусн эмас, иктидор - қудрат беэамоғи керак.

221. ЗЕВС ВА ИЛОН

Зевстўй қилаётган экан. Ҳамма ҳайвонлар баҳоли қудрат совға қўтариб келишибди. Илон эса оғзида бир дона гул билан ўрмалаб келибди. Зевс уни кўриб, дебди: "Ҳамманинг совғасини қабул қиламан, аммо сен оғзингда олиб келган совғани олмайман".

Масал, ёвуз ниятли кишиларнинг илтифоти ҳам хавфли бўлади,демоқчи.

224. ҚОБОН БИЛАН ТУЛКИ

Қобон бирдарахттагидасўйлоктишларини қайрарди. Буни кўриб қолган Тулки ундан сўради: "Теварак-атрофда овчилар ҳам, бошқа хатарли нарсалар ҳам кўринмайди-ку, нега бунча зўр бериб тишларингни қайраб ётибсан?" Қобон жавоб қай- тарди: "Бекорга қайраётганим йўқ; бирон қор-қол ё фалокат юз бергудек бўлса, тишларим жангга тайёр бўлиб туради".

Юз берадиган хавф-хатарга қарши олдиндан шай бўлиб туриш керак, деб ўргатади бу масал.

225. ҚУРУМСОҚ

Бир курумсоқ одам барча молу давлатини сотиб, пулига тилла ёмби харид қилди. Кейин у ёмбини девор тагига кўмди- да, ҳар куни келиб ундан хабар олиб турди. Сал нарироқда бир неча одам ишлаётган экан; шу ишчилардан биттаси Курумсоқнинг девор тагига серкатнов бўлиб қолганини пай- қаб, бунинг бир сири бор, деб ўйлади ва ҳеч ким йўқлигида келиб тилла ёмбини ўтирлаб олиб кетди. Ёмби эгаси келиб бойлигининг йўқолганини кўрди ва бу бахтсизликка чидол- май, сочларини юлиб фарёд чека бошлади. Унинг оҳу зорини эшитган бир киши унга деди: "Кўй, куюнма, яхшиси, сен бирор бир тошни олиб, ўша чуқурга кўмгин-да, ёмби кўмдим, деб ўйлаб баҳузур юравер. Ахир бу ерда ётган олтинингдан заррача ҳам фойдаланмас эдинг-ку! Бинобарин, кўмганинг тошми ё олтинми - сенга барибир эмасми?"

Масал, фойдаланилмайдиган бойликдан ҳеч қандай наф йўққир, демокчи.

226. ТОШБАҚА БИЛАН ҚУЁН

Тошбақа билан Қуён, қай биримиз чопқирроқмиз, деб баҳслашиб қолишди. Кейин мусобақа вақти ва жойини белгилашиб тарқалишди. Қуён ўзининг табиатан чопқирлигига ишониб, чопишга шошилмади ва йўл ёқасига ётиб пинакка кетди. Лекин Тошбақа ўзининг имиллаб судралиб юришини биларди, шунинг учун у бир лаҳза ҳам дам олмай югургилаб кетаверди. Натижада, у ухлаб ётган Қуёндан ўзиб кетиб мар- рага етиб борди ва пойгада ютиб чиқди.

Масал демокчики, тиришқоқлик билан қилинган меҳнат эътиборсиз қолдирилган табиий лаёқатдан устун келиши мумкин.

227. ҚАЛДИРҒОЧ ВА ИЛОН

Қалдирғоч суд маҳкамаси бўғотига уя қуриб бола очди. Кунларнинг бирида у полапонлари учун озиқа топгани учиб кетганида бир Илон унинг инига ўрмалаб чиқиб, ҳамма болаларини еб қўйди. Қайтиб келган Қалдирғоч уясининг бўм-бўш қолганини кўриб, ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади. Шунда бошқа қалдирғочлар келиб унга таскин бериб дедилар: "Бўлди, кўп куюнаверма, битта сенми болаларидан жудо бўлган? На илож, қисматимиз шу экан". Қалдирғоч ҳамжинс- ларига жавобан деди: "Болаларимдан жудо бўлганим - бу менинг шўрнешанам, аммо мен келиб-келиб зўравонлар зулмига учраган одамлар ўзлари учун мадад топадиган бу даргоҳца шундай оғир бахтсизликка учраганимга ҳеч чидол- маяпман".

Масал дейдики, агар ўз яқин кишинг деб ҳисоблаганинг кимса сени хафа қилиб дилингни оғритса, бу сен уч>тг энг оғир азобдир.

229. ҚАЛДИРҒОЧ БИЛАН ҚАРҒА

Қалдирғоч билан Қарға, қай биримиз чиройлироқ, деб тортиша бошлашди. Шунда Қарға Қалдирғочга деди: "Сенинг чиройинг фақат бахорда кўринади. Мен бўлсам киш аёзига ҳам чидаб яшайвераман".

Масал демоқчики, узоқ умр кечириш гўзаштиқдан афзалдир.

230. ТОШБАҚА БИЛАН БУРГУТ

Тошбақа осмонда учиб юрган Бургутни кўриб, ўзининг ҳам учгиси келди ва Бургут ерга қўнганида унинг олдига бориб: "Қанча хизмат ҳақи сўрасанг бераман, фақат мени учишга ўргат", деб ёлворди. Гарчи Бургут, бунинг иложи йўқ, сен уча олмайсан, деб қанча уқгирса ҳам Тошбақа кўярда- қўймай унга ёлвораверди. Ахири бўлмагач, Бургут Тошбақани чангалига олиб осмон-фалакка кўтарилди ва ўша ердан уни қоятошлар устига ташлаб юборди. Шунда Тошбақанинг косалари чилпарчин бўлиб жони узилди.

Масал дейдики, кўпчилик одамлар ўзларини бошқалардан кам ери йўқ деб ҳисоблаб, рақобатга ружу қўядилар ва доно кишиларнинг ўгитига қулоқ солмай, ўзларини нобуд қила- дилар.

231. БУРГА ВА ПАХЛАВОН

Бир куни Бурга беллашувга ҳозирланаётган Пахлавоннинг оёғига сакраб келиб кунди-ю, уни чақиб олди. Пахлавоннинг ғазаби қайнаб, Бургани тирноқлари орасига олиб кирсиллатиб ўлдирмоқчи бўлди, лекин Бурга, табиатан фақат сакраш учун яратилган эмасми, бир сакраб Пахлавон ҳужумидан жон саклаб қолди. Шунда у нола чекиб деди: "Аё Ҳеракл! Баски, Бургани махв этишимда менга қўмаклашмас экансан, унда рақибларим билан олишганимда қандай қўллаб-қувватлайсен мени?"

Арзимас, икир-чикир ишларни бартараф қилиш чоғидамас, балки энг муҳим, йирик амалларни бажараётгандагина тангрилардан мадад сўраш жоиздир, деб уқтиради бу масал.

234. БЎРИ ВА ЧЎПОН

Бир Бўри Чўпон ҳайдаб кетаётган қўйларга эргашиб бораверди. Чўпон олдиниға уни йиртқич душман дея хаво- тирланиб, орқасига қараб-қараб қўя бошлади; лекин Бўри хануз қўйлар ортидан эргашиб келарди-ю, ҳужумга ўтиш нияти сезилмасди. Ниҳоят Чўпон, бу Бўри душман эмас, балки қўйларимнинг соқчиси бўлиши мумкин, деб ўйлай бошлади. Мана, бир куни у шаҳарга бориб келмоқчи бўлди ва қўйларини шу Бўри ихтиёрига қолдириб жўнаб кетди. Шунда Бўри ови юрадиган пайт келганини тушунди ва қўйларни пайдар-пай қийрата бошлади, Чўпон шаҳардан қайтиб келиб, қўйларининг қирилиб кетганини кўриб, шундай деди: "Айб ўзимда, аҳмоқ бўлмасам, келиб-келиб қўйларни Бўрига ишониб топширар- мидим?"

Шунақа одамлар бўладики, ўз бойликларини очкўз киши- ларга ишониб қўядилар-да, кейин таассуф қилиб бармоқ- ларини тишлайдилар.

235. ЧУМОЛИ ВА КАПТАР

Чумоли чанқаб сув ичмоқчи бўлди ва жилға лабига тушди, лекин сув ичмоқчи бўлганида бехосдан жилғага тушиб кетди. Шу ердаги дарахт шохига кўниб ўтирган бир Каптар дарахтдан барг узиб Чумолига ташлади. Чумоли шу баргга чикиб жон сақлаб қолди. Бу пайт шу ерда пайдо бўлган бир овчи Каптарни тугиб олиш ниятида тузук чивикларини шайлай бошлади; худди шу маҳал Чумоли келиб овчининг оёғини тишлади; ана шунда унинг қўлидаги чивиклар сочилиб, Каптар учиб кетди.

Кези келганда заиф одамнинг ҳам ёрдами асқатиб қолиши мумкин, деб сабоқ беради бу масал.

237. ЭШАК ХАРИД ҚИЛУВЧИ

Бир одам эшак харид қилмоқчи бўлди ва бир эшакни, синаб кўриш учун, уйига етаклаб келиб оғилхонадаги бошқа эшаклари орасига қўйиб юборди. Шунда янги келган эшак бу ердаги эшакларга қайрилиб ҳам қарамай, дарров хар қандай ишга яроқсиз бўлган ўта ялқов ва очофат эшакнинг ёнига бориб турди. Бу ҳолни кўрган харидор эшакни етаклаб яна эгасига олиб бориб берди. Эшак эгаси синов қандай ўтганини сўради, харидор унга жавоб қилди: "Ҳеч қандай синовнинг ҳожати йўқ; қарасам, бу эшагинг менинг эшакларим ичидан фақат ўзига ўхшаган биттаси билан зумда иноқлашиб олди".

Одамнинг қандайлигини унинг дўстларига қараб билса бўлади, дейди бу масал.

239. АСРАГАНИ ПУЛ ОЛГАН ОДАМ ВА ҚАСАМ

Бир одамга дўсти асраб қўйиш учун пул берди, лекин пул олган одамнинг нияти бузуқ эди - у бу пулни ўзлаштириш ҳақида ўйлай бошлади; пул берган дўсти эса, мenden палонча пул олганинг ҳақида қасам ич, деб талаб қилди. Шунда пул олган одам безовта бўлиб, ўз қишлоғига бориш учун йўлга чиқди. Шаҳар дарвозаси яқинида у шаҳардан чиқиб келаётган бир чўлок одамни кўриб, ундан қимлиги ва қаёққа кетаётганини сўради. Чўлок, исми Қасам эканлигини ва бир қасамхўр орқасидан қувиб кетаётганини айтди. Одам бу чўлоқдан қачон яна шаҳарга қайтиб келишини сўради. У жавоб қилди: "Қирқ йшвдан кейин, баъзида ўттиз йилдан кейин". Шунда пул олган одам ўз келажигидан хотиржам бўлди ва меҳроб олдига бориб: "Ҳеч кимдан сақлаб қўйиш учун ҳеч қандай пул олмадим", деб қасам ичди. Аммо шу гапни айтиши билан дарҳол Қасам пайдо бўлиб унга ҳамла қилди ва жарга итариб юборгани орқасидан кува бошлади. Қасамхўр эса: "Ахир ўттиз йилдан кейин қайтаман девдинг-ку, нега бир кун ҳам ўтмай дарров

140

келдинг?" деб таъна қилди. Қасам жавоб берди: "Шуни билки, қимки менга қарши қаттиқжиноят қилса, бир кун ҳам кутмай дарров етиб келаман".

Масалнинг таъкидлашича, оғир жгшоятга қўл урган бадният одамларга юбориладиган илоҳий жазоларнинг муддати йўқир.

240. ПРОМЕТЕЙ ВА ОДАМЛАР

Прометей тангри Зевс амри билан лойдан одамлар ва жониворларни ясади. Ва лекин Зевс нодон ҳайвонлар жуда ҳам кўп ясалганини кўриб, уларнинг бир қисмини қайта зувала қилиб, у зуваладан одамлар яшашни амр этди. Прометей Зевс амрини бажарди; оқибатда шундай бўлдики, ҳайвонлар зуваласидан ясатган одамлар гарчи инсон қиёфасида бўлсалар ҳам ҳайвоний хислатлари ва руҳиятларини сақлаб қолган эдилар.

Масал бу билан дағал ва онгсиз одамларга ишора қилмоқда.

241. ЧИРИЛДОҚ ВА ТУЛКИ

Ҳашарот Чирилдоқ азим дарахт шоҳига қўниб олиб тинимсиз чириллаб қўшиқ куйларди. Тулки найранг ишлатиб уни тутиб емоқчи бўлди: дарахт қаршисида туриб олди-да, унинг ажиб хуш овозига мафтун бўлганини ва бундай мароқш қўшиқни ижро этаётган лобар хилқатни бир кўриш иштиёқида ёнаётганини айтиб, ундан пастга тушишни илтимос қилди. Тулкининг айёрлик қилаётганини Чирилдоқ дарров фаҳмлади ва битта япроқни узиб пастга ташлади. Тулки япроқни Чирилдоқдеб ўйлаб унга ташланди. Шунда Чирил- доқ деди: "Сен, тасаддуқ, мени олдинга тушади деб хато қилдинг: тулқиларнинг тезагида чирилдоқ қанотини кўриб қолганимдан бери мен ўзимни эҳтиёт қиладиган бўлганман".

Масалдан ҳисса: доно одамлар ўз яқин кишилари бошига тушган бахтсизликдан сабоқ олурлар.

¹ х у қ н а - клизма.